

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336,5

БЎРИЕВ ЖАМШИД ПАРДА ЎҒЛИ

**БАНКЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ
ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230702-«Банк ҳисоби ва аудити»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
О.Норов

ТОШКЕНТ-2014

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
1-боб. Тижорат банклари қимматли қоғозлар билан операцияларнинг назарий асослари	7
1.1. Қимматли қоғозлар бозори ва унда тижорат банкларининг тутган ўрни	7
1.2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари	14
2-боб. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан операциялари ҳисобининг амалдаги ҳолати таҳлили	25
2.1. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан пассив операциялар ҳисоби.....	25
2.2. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан актив операциялар ҳисоби.....	47
2.3. Банкларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ бошқа операциялар ҳисоби.....	62
3-боб. Ўзбекистонда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ривожлантириш ва ҳисобини такомиллаштириш..	80
Хулоса.....	94
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	98

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Қимматли қоғозлар давлатнинг тўлов айланмасида катта рол ўйнайди, чунки кўпинча улар орқали иқтисодиётнинг устувор соҳаларига инвестицияларни таъминловчи инвестицион жараёнлар амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти асосида ташкил қилинган молия тизимининг таркибий қисми бўлиб, у ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларнинг бўш турган молиявий ресурсларини иқтисодиётнинг керакли соҳаларига йўналтиришга ва бунинг натижасида молия бозорининг бошқа сегментларини тўлдиришга асосланган.

Қимматли қоғозлар бозори давлат молия тизимини ташкилий қисми бўлиб, индустриал ва ташкилий–функционал ўзига хослиги билан характерланади. Шундай экан, қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг ҳам ўрни муҳим аҳамиятга эга. Кўп мамлакатларнинг фонд бозорларида банклар иштирокчи сифатида асосий рол ўйнайдилар. Мазкур диссертация иши қимматли қоғозлар бозорида банк операцияларига тегишли бир қатор масалаларни ойдинлаштириб беради.

Қимматли қоғозлар бозорини моҳиятига кўра қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш ва муомаласи билан боғлиқ муносабатлар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин. Банклар –маблағларни жалб қилувчи ва жойлаштирувчи кредит ташкилотлари бўлиб, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари ҳам бўлиши мумкин. Бунда улар эмитентлар, инвесторлар ва воситачилар сифатида гавдаланадилар. Ҳозирги вақтда тижорат банклари улкан жалб қилинган бўш пул маблағларига эгадир, лекин уларга маълум фоизлар қўшиш ва тўлаш керак. Шунинг учун ҳам қимматли қоғозлар бозори, маблағларни жойлаштиришда кредит бозорига нисбатан рақобатли объект ҳисобланади.

Иқтисодиётни ривожланишида, ҳамда унинг турли соҳалари бир маромда ишлаб туриши учун инвестициялар зарур ҳисобланади. Қимматли қоғозлар тижорат банкларига қўшимча капитал келтирувчи кам харажатли инструментдир. Улар қимматли қоғозларни эмиссиясидан устав капитали

учун, оборот учун пул маблағларини жалб қилади. Инвестицион ва бошқа турли воситачилик фаолиятдан қўшимча даромад манбаини яратади. Қолаверса, тижорат банклари қимматли қоғозлар орқали пул оборотини кенгайтиради, тезлаштиради ва кенг жамоанинг банкдан ташқари оборотдаги пул маблағларини ўзига жалб қилади. Оқибатда иқтисодиётнинг маблағларига муҳтож соҳаларини молиялаштиради.

Тадқиқот объекти. Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи тижорат банклари тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади - тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ривожлантириш ва уни ҳисобга олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши белгилаб олинди:

- қимматли қоғозлар бозори ва унда тижорат банкларининг тутган ўрнини тадқиқ қилиш;
- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини ўрганиш;
- тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан пассив операциялар ҳисобини тадқиқ қилиш;
- тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан актив операциялар ҳисобини ўрганиш;
- банкларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ бошқа операциялар ҳисобини ўрганиш;
- Ўзбекистонда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ривожлантириш ва ҳисобини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг фаразлари. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар истиқболда банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларни ривожлаштириш ва унинг ҳисобини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқотнинг асосий масалалари:

- қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди;
- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларини ҳисобга олиш жараёнидаги муаммолар аниқланди ва уларни ҳал этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ва унинг ҳисобини ташкил қилишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш масалалари кўпчилик иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг эътиборида бўлган. Хусусан, хорижлик олимлардан Л.Г. Батракова, Г.Н. Белоглазова, Ю.Г. Вешкин, Дж. Синки, О.В. Ефимова, Е.П. Жарковская, Е.П. Козлова, Г.Г. Коробова, О.И. Лаврушина, Д.М. Нотон, И.В. Пещанская, А.К. Полищук, Я.В. Соколов, Ф. Стивен, А.Д. Шереметларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Банкларда қимматли қоғозлар ҳисобининг айрим жиҳатлари республикамиз оимларидан Ф.Абдувоҳидов, Ш.Абдуллаева, Б.Бердияров, Н.Каримов, Т.Қоралиев, К.Наврўзова, С.Норқобилов, Т.Қоралиевларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Албатта, юқоридаги барча иқтисодчи олимларимизнинг илмий ишлари, ҳам назарий ҳам услубий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлсада, улар айнан банкларда қимматли қоғозлар ҳисобига боғлиқ бўлмасада, тижорат банкларида қимматли қоғозлар ҳисобини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бироқ, тижорат банкларида қимматли қоғозлар ҳисобини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил қилишда мамлакатимиз банкларининг жаҳон иқтисодиётига янада кенг

интеграциялашуви жараёнида вужудга келаётган ўзгаришларнинг инобатга олинмаганлигидан далолат беради. Шу боисдан, мазкур мавзу бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурияти туғилди.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотлар жараёнида гуруҳлаш, таққослаш, монографик кузатиш, таҳлилий баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ва унинг ҳисоби борасидаги илмий қарашларни янада бойитиш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар самарадорлигини оширишда фойдаланиш имкониятларининг яратилиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишининг илмий хулосалари ва амалий тавсияларидан тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ривожлантириш ва унинг ҳисобини янада такомиллаштириш ва олий ўқув юртларида «Банкларда бухгалтерия ҳисоби», “Банк иши” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ҳисобини такомиллаштиришда МҲХС ларидан республикамізда фойдаланиш бўйича илмий таклифлар тайёрланган;

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Тижорат банклари қимматли қоғозлар билан операцияларнинг назарий асослари


1.1. Қимматли қоғозлар бозори ва унда тижорат банкларининг тутган ўрни

XX асрнинг иқтисодий тараққиёти шуни тўлиқ тасдиқладики, фақат бозор иқтисодиётигина халқ хўжалиги самарадорлик кўрсаткичларининг энг юқори даражасини таъминлайди. Бозор механизмининг самарадорлиги кўп жихатдан иқтисодиётнинг товар-пул муносабатлари билан қанчалик тўлиқ қамраб олинганлигига боғлиқ. Бу товар бозорлари билан бир каторда молия бозорини, жумладан, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш зарурлигини англатади. Бозор иқтисодиёти қимматли қоғозларнинг ривожланган айланмасисиз амал қилиши мумкин эмас. Қимматли қоғозлар бозори-бу жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ муносабатлари тизимидир.¹ Ҳар қандай бозор маконини икки қутбга бўлиш мумкин (расмга қаранг). Улардан бирида капитал етказиб берувчилар - бўш пул маблағларига эга бўлган ва уларни сақлаш ҳамда кўпайтиришни истовчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, давлат туради. Иккинчисида эса-янги ишлаб чиқаришни бошлаш, ишлар, хизматлар кўрсатиш ёки ишлаб турган қувватларни замоналаштириш, кенгайтириш, қайта таъмирлаш учун зарур бўлган бошланғич ёки қўшимча капиталга мухтож бўлган бозор субъектлари туради. Капиталнинг истеъмолчилари сифатида корхоналар, ташкилотлар, аҳоли, шунингдек, давлат ҳам иштирок этиши мумкин.

Фикримизча, иқтисодиётда асосан бешта асосий субъектларни ажратиб кўрсатиш мумкин, уларни уй хўжалиги, фирмалар, Марказий банк, Ҳукумат ва молиявий бозор, унинг воситачилари билан бирга. Уларнинг ўзаро боғланганликларини ва молиявий маблағларнинг

¹ Мвасенко А.Г. Рынок ценных бумаг: Инструменты и механизмы функционирования: Учебное пособие. – 2-е изд., перераб. / А.Г. Ивасенко, Я.И. Никонова, В.А. Павленко. – М.: Кнорпус, 2005. – 272 с.

харакатини кўриш учун қуйидаги чизмадан фойдаланамиз. Ушбу чизмада қуйидаги шартли белгилар киритилган: Ц1, Ц2, Ц3, Ц4 – молиявий оқимларнинг молиявий бозор ва хўжалик субъектлари ўртасида циклик харакати; ФБ – молиявий бозор(фонд бозори); МБ – Марказий банк.



1-расм. Иқтисодиёт секторларининг ва молиявий оқимларнинг молиявий бозор ҳамда сектор ўртасидаги харакати²

Маблағларни жалб этиш мақсадида капитал истеъмолчилари қимматли қоғозларни муомалага чиқаради ва уларни сотиш натижасида ишлаб чиқариш (савдо-сотиқ, молиявий фаолият ва ҳ.к.) жараёнини амалга ошириш учун маблағ олади. Капитал истеъмолчилари (эмитентлар) ва етказиб берувчилари (сармоядорлар) ўртасидаги муносабатлар қайтарилиш, тўловлилик ёки мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказиш шартлари билан амалга оширилади.

Бироқ эмитентлар ёки сармоядорлар бир-бирларини "топишлари" учун ушбу жараёнда ёрдамчи бўлсада, аммо жуда муҳим рол ўйновчи эмитентлар, сармоядорлар, шунингдек, ташкилотлар ва яқка

² Муаллиф томонидан тузилди

тадбиркорларнинг оқилона ўзаро муносабатларини таъминловчи, инфратузилма, деб номланувчи ёрдамчи субъектларнинг анча мураккаб муассасавий (институционал) тизими зарур.

Қимматли қоғозлар бозорининг муассасавий инфратузилмаси умумий ва махсус табақаларга бўлинади.³ Умумий инфратузилмани намоён қилувчи ташкилотларга қимматли қоғозлар билан операциялар қилишда умумий ёрдамчи вазифани бажарувчи, муассасалар киради. Уларсиз қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг фаолият кўрсатиши мумкин бўлмаган ёки мураккаблашган бўлар эди. Буларга ахборот агентликлари, нашриёт, газета ва журналлар (матбуот), теле ва радиокомпаниялар, тижорат банклари, аудиторлик ташкилотлари, нотариал, юридик ҳамда адвокатлик идоралари, суғурта компаниялари киради. Қимматли қоғозлар билан тузиладиган битимларга хизмат кўрсатишга кўмаклашувчи вазифаларни бажариш учун уларга қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга рухсат берувчи махсус лицензияларнинг зарурати йўқ. Айни пайтда бундай ташкилотлар давлат бошқаруви органларининг, хусусан, Марказий банк (тижорат банклари), Молия вазирлиги (аудиторлик ва суғурта компаниялари), Адлия вазирлиги (адвокатлик, юридик ва нотариал идоралар), Давлат матбуот қўмитаси (нашриётлар, газеталар, журналлар)нинг махсус фаолият турини амалга ошириш учун лицензияларига эга бўлишни керак. Мазкур субъектларнинг фаолияти ушбу ҳолатда қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига кредит-ҳисобкитоб хизматлари кўрсатиш, эмитентлар ҳисоби ва молиявий ҳисоботларининг ишончилиги ҳамда умумий белгиланган меъёрларга мос келишини тасдиқлаш, қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси, алмашуви, совға қилиниши шартномаларини тасдиқлаш, улар билан бажариладиган операцияларни суғурталаш, сармоядорларни ва фонд бойликлари билан

³ Стародубцева Е.Б. Рынок ценных бумаг: Учебник. – М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2006. – 176с.

профессional фаолият юритувчи шахсларни бозордаги вазиятдан хабардор қилиш ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Бизнинг фикримизча, қимматли қоғозлар бозорида биржа фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар (фонд биржалари, товар-хом ашё, валюта ва бошқа биржаларнинг фонд бўлимлари) ҳамда инвестиция муассасалари махсус инфратузилмани ўзида намоён қилади.

Инвестиция муассасаларига инвестиция воситачилари (брокерлар-дилерлар), инвестиция маслахатчилари, инвестиция фондлари, инвестиция компаниялари, бошқарувчи компаниялар, қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини сақловчилар, депозитарийлар, ҳисоб-китоб-клиринг палаталари, қимматли қоғозларнинг номинал эгалари киради.⁴

Биржаларда бевосита бозорларга чиқарилмайдиган, ҳужжатлар билан тасдиқланган аниқ сифат ва миқдор хусусиятларига ҳамда талаб ва таклиф асосида белгиланадиган нархга эга бўлган айрим фонд бойликлари сотилади ва харид қилинади. Биржага савдода иштирок этишни хоҳловчи барча шахсларга эмас, фақат унинг аъзоси бўлган профессионал иштирокчиларга рухсат этилади. Қимматли қоғозлар билан биржа савдолари ҳар бир биржа томонидан махсус ишлаб чиқилган қимматли қоғозлар бозоридаги қонунчиликка қатъий риоя этилишини, биржа савдоларининг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратилишини, биржа савдоларига киритилган қимматли қоғозлар тўғрисида ишончли ва тўлиқ маълумотларнинг эълон қилинишини, тузилаётган битимлар тўғрисида ахборотнинг ошкор этилишини ва ҳоказоларни назарда тутувчи қоидалар асосида олиб борилади. Биржада оддий қимматли қоғозлар билан эмас, фақат алоҳида талабларга жавоб берадиган қимматли қоғозлар билан савдо қилинади. Анъанавий тарзда фонд биржаси-бу энг яхши қимматли қоғозларнинг бозоридир.⁵

⁴ Рынок ценных бумаг: Учебник / Под ред. В.А.Галанова, А.И.Басова. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2006. - 448 с.

⁵ Бутиков И. «Қимматли қоғозлар бозори». Тошкент. «Консаудитинформ» 2001 йил.

Қимматли қоғозлар билан савдолар биржа бозорида ҳам, биржадан ташқари бозорда ҳам мазкур бозор иштирокчиларининг ўзлари ишлаб чиққан ва қонуний тартибда мустақамланган тамойиллар асосида амалга оширилади. Фикримизча бундай тамойилларга қўйидагилар киради:

- қимматли қоғозлар бозорида тузиладиган битимларнинг ихтиёрийлиги;

- аниқ юзага келган талаб ва таклиф асосида нархларни белгилаш;

- қимматли қоғозлар бозорига оид қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;


- қимматли қоғозлар, уларнинг эмитентлари, нархлари, биржа ва биржадан ташқари битимлар ҳақидаги ахборотларни мажбурий равишда ошкор этиш;

- сармоядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш;

- қимматли қоғозлар бозорида товламачилик ва найрангбозликларнинг тақиқланиши ва таъқиб қилиниши.

“Тошкент” Республика фонд биржаси мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорининг асосий савдо майдони ҳисобланади.

Биржа савдо ҳажмларининг сўнгги беш йилликдаги натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2011 йилда биржа савдо айланмаси ўз фаолияти давридаги энг юқори кўрсаткичга эришди. 2010 йилда эса бу миқдор энг паст кўрсаткични, яъни 64,4 млрд. сўмни ташкил қилган эди. 2011 йил биржа фаолиятида сезиларли жонланиш кузатилиб, биржа савдо айланмасининг умумий ҳажми 213,1 млрд. сўмни ташкил қилди. 2013 йил мобайнида 110 та акциядорлик жамиятининг 122,0 млн. дона акциялари билан 57,2 млрд. сўмлик ва 5 та эмитентнинг 35,7 минг дона корпоратив облигациялари билан 36,0 млрд. сўмлик жами 93,2 млрд. сўмлик 941 та биржа битимлари амалга оширилди (2012 йилда 917 та битим амалга оширилган эди).



2-расм. “Тошкент” Республика фонд биржасида 2013 йилдаги оборотлар⁶

Республикаимиз қимматли қоғозлар бозорининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий кўрсаткичи бу - иккиламчи бозорнинг ривожланиш даражаси ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, сўнгги беш йил давомида фонд биржаси савдо айланмасида қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори устунлик мавқеига эга бўлмоқда.

1-жадвал

“Тошкент” РФБнинг 2013йилдаги савдо ҳажмлари натижалари⁷


	Бирламчи бозордаги савдо ҳажми		Иккиламчи бозордаги савдо ҳажми		Умумий савдо ҳажми	
	Савдо ҳажми (млрд.сўм)	Битимлар сони	Савдо ҳажми (млрд.сўм)	Битимлар сони	Савдо ҳажми (млрд.сўм)	Битимлар сони
2012 йил	83,9	216	86, 8	701	170,6	917
2013 йил	58,8	39	34, 3	901	93, 2	941

Биржа савдоларининг 2013 йил натижаларига кўра, қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштирилиш ҳажмининг умумий биржа айланмасидаги улуши 63,2 % ни ёки 58,8 млрд. сўмни ташкил этди.

2013 йилда бирламчи бозорнинг пасайишига сабаб тижорат банкларининг фонд биржасида фаол қатмашганликларини ёки қўшимча чиқарилган акцияларининг асосан ёпиқ тартибда жойлаштирилганини (90%) кўриш мумкин.

⁶ “Тошкент” Республика фонд биржаси ҳисобот маълумотлари

⁷ “Тошкент” Республика фонд биржаси ҳисобот маълумотлари



3-расм. “Тошкент” Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар структураси⁸

Шундай қилиб, фонд биржа айланмасининг умумий ҳажми қуйидаги ҳолатни кўрсатмоқда:

Бирламчи жойлаштириш ҳажми:

- хусусийлаштирилган корхоналар акциялари - 0,6 млрд.сўм;
- қўшимча акциялар эмиссияси - 22,9 млрд.сўм;
- корпоратив облигациялар – 35,3 млрд.сўм.

Иккиламчи бозор айланмаси ҳажми:

- акциялар - 33,7 млрд. сўм;
- корпоратив облигациялар – 0,7 млрд.сўмни.

2-жадвал


2013 йилда қимматли қоғозлари билан энг йирик битимларни амалга оширган эмитентлар Рейтинги⁹

Эмитентнинг номи	Соҳалар	Савдо ҳажми, млрд.сум
ОАТ "Асакабанк"	Банк	30,2
ОАТБ "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки"	Банк	13,6
ОАТБ "Алоқабанк"	Банк	4,8
ОАТ "Капитал банк"	Банк	4,2
"Ипак Йўли" ОАИТБ	Банк	3,5
ОАТБ "Савдогар"	Банк	3,0
Simurg	ТАПОиЧ	3,0
"Трастбанк" ХОАББ	Банк	2,8

⁸ “Тошкент” Республика фонд биржаси ҳисобот маълумотлари

⁹ “Тошкент” Республика фонд биржаси ҳисобот маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2013 йилда қимматли қоғозлари билан энг йирик битимларни амалга оширган эмитентлар таркибида асосан тижорат банклари турибди. Уларнинг ичида ОАТ "Асакабанк" ва ОАТБ "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" фонд биржасида амалга оширган операциялар ҳажми мос равишда 30,2 млрд. сўмни ва 13,6 млрд. сўмни ташкил қилган.



4-расм. “Тошкент” Республика фонд биржаси савдо айланмасида иқтисодиёт тармоқлари таркиби¹⁰

Ушбу расмдан ҳам кўриниб турибдики тижорат банклари фонд бозорида етакчиликни сақлаб турибди. Уларнинг жами савдо айланмасида улуғи 2013 йилда 79 фоизни ташкил қилган.

1.2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга асосан тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги турли хил фаолият олиб боришлари мумкин. Шу билан бир қаторда, «қимматли қоғозлар

¹⁰ «Тошкент» Республика фонд биржаси ҳисобот маълумотлари

бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонунинг 17-моддасига мувофиқ, банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти мазкур қонун шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солиниши белгиланган.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга биноан тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги:

- қимматли қоғозлар (вексель, акция, облигациялар, депозит сертификатлар ва бошқалар)ни чиқариш;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, сақлаш, улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш;
- товар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган талаб ҳуқуқини олиш, бундай талабларни инкассация қилиш;
- мижозлар ишониб топширган операцияларни: маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш ва қимматли қоғозларни бошқариш ва ҳоказо ишларни бажариш;
- фонд бозори иштирокчиларига бу борада банк фаолияти юзасидан маслаҳатлар бериш каби операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Бугунги кунда тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларини 5-расмда кўрсатилгандек бир нечта операцияларга таснифлаш мумкин.

Ҳар қандай мамлакатнинг ҚҚБда банк роли ошишининг асосий омили бўлиб-ўша мамлакат хўжалик субъектларининг молия ресурслари билан кенг доирада фойдаланишини таъминловчи, ҳамда юқори инновацион-инвестицион фаолияти ва уларнинг молиявий рискларини суғурталаш учун қўшимча имкониятларни таъминлаб берувчи замонавий ва сифатли банк хизматита бўлган талабининг йил сайин ошиб бораётгани ҳисобланади.

Барча мамлакатларда ҳозирги даврга келиб тижорат банкларининг инвестицион фаолияти ва қимматли қоғозлар билан операцияларидан

тушаётган даромадлари фойданинг шаклланишида тобора сезиларли рол ўйнамоқда.



5-расм. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари таснифи¹¹

Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари кўп мақсадларни кўзлаган ҳолда юритилади. Шу боис банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятдан асосий мақсадлари сифатида:

- қимматли қоғозлар чиқариш асосида кредит ва ҳисоб-китоб фаолияти юритиш учун қўшимча пул ресурсларини жалб қилиш;
- қимматли қоғозларга сарфланган ва ўз инвестицияларидан банкка тўланадиган фоиз ва дивидентлар эвазига ва қимматли қоғозларнинг курс қиймати ошиши туфайли фойда олиш;
- миждозларга қимматли қоғозлар операцияларига доир хизматлар

¹¹ Абдуллаева Ш.З. «Банк иши» Дарслик. Тошкент–2003й.

кўрсатишдан фойда олиш;

- эркин рақобат асосида банкнинг хизмат соҳасини кенгайтириш ҳамда корхона ва ташкилотларнинг капиталларида қатнашиш эвазига янги миждозларни жалб қилиш;

- банкнинг қимматли қоғозлари орқали ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш;

- банкнинг ликвидли маблағларига қўйилмаларнинг даромадлилигини таъминлаган ҳолда ликвидлик зарурий захирасини сақлаб бориш;

- миждозларнинг қимматли қоғозларни меъёрида олиб-сотишдан ҳамда молиявий рискларни қимматли қоғозлар ҳосилалари билан амалга ошириладиган операциялар орқали суғурта қилиш кабиларни келтириш мумкин.


Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият шакллари кенгайиши ва диверсификацияланиши тижорат банклари бошчилигидаги йирик молия–банк группаларининг ташкил бўлишига олиб келди. Улар ўз атрофида инвестицион фондлар, брокерлик фирмалари, траст компаниялар, консултацион фирмалар ва ҳоказолар каби нисбатан мустақил таркибий бўлинмаларнинг юзага келишига сабабчи бўлди.

Тижорат банклари хорижий мамлакатларда инвестицион–банк филиаллари ва шўъба корхоналарни ташкил қилиб, халқаро қимматли қоғозлар бозорига чиқиб бормоқда. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари конун томонидан тўғридан–тўғри чегараланган мамлакатларнинг, айнан ўша банклар томонидан очилган хорижий филиалларининг инвестицион фаолияти доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари фаолиятининг янги шакли сифатида –у ёки бу молия активларига капитални инвестиция қилиш билан боғлиқ қатор масалалар бўйича консултацион хизматлар кўрсатиш бозорга кириб келмоқда. Консултацион хизматлар кўрсатиш –

турли активларнинг даромади ва рисклари ўртасидаги ўзаро таъсирини чуқур таҳлил қилиш ҳамда миқдорлар учун қимматли қоғозларни сотиб олиш алгоритми ва қимматли қоғозлар портфелини унинг даромад динамикасини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш қабиларни амалга оширувчи банкнинг ички инфор­мацион тизими­га таянади.

Айтиб ўтганимиздек, тижорат банклари ўз акциялари, облигациялари, векселлари, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлари билан эмитент сифатида, шунингдек ўз ҳисобидан қимматли қоғозлар сотиб олувчи инвестор сифатида гавдаланади. Қолаверса, коммиссион рағбатлантириш эвазига қимматли қоғозлар билан воситачилик операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир (6–расм).



6–расм. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти¹²

Тижорат банклари томонидан ўз қимматли қоғозларини эмиссия қилиши кўпроқ методик борада ишлаб чиқилган ва тартиблаштирилган. Инвестицион ва воситачилик фаолиятлари бу даражада эмас, лекин шу йўналишларнинг барчасида банклар деярли бир хил фаоллик кўрсатмоқда.

Тижорат банки–авваламбор молия бозорида операциялар ўтказиш йўли билан фойда олиш мақсадини кўзлаган тадбиркорлик фаолиятининг субъектидир. Бу мақсадга эришиш банкларнинг хўжалик субъектларига маълум бир қатор ўзига хос молиявий хизматларни кўрсатиш йўли билан

¹² Бутиков И. “Қимматли қоғозлар бозори” Т.: “Конс аудитинформ” 2001 й.

амалга оширилади.

Замонавий йирик тижорат банклари хўжалик субъектларига кўплаб турли хизматлар кўрсатадилар. Буларга—мижозлар активларини ишончли бошқариш, яъни траст операциялари, молия бозорида брокерлик хизматларини кўрсатиш, депозитга маблағлар жалб қилиш ва пластик карточкаларни эмиссияси, кредитлар бериш ва олди—сотди операциялар, депозитар ҳисоб юритиш ва қимматли қоғозлар андеррайтинги, қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун сейфларни ижарага бериш, консултацион хизматлар кўрсатиш ва ҳ.к. киради.

Ҳаммага маълумки, тижорат банкларининг нисбатан фундаментал вазифаси айтилиши даврада ортиқча пул маблағларига эга бўлган иқтисодиётнинг бир субъектларидан, қўшимча молиялаштиришга талаби бор иқтисодиётнинг бошқа субъектларига пул маблағларини қайта тақсимлашдан иборатдир. Шундай экан, банклар пул маблағларини жалб қилиб, ўзларига ишлатиш учун эмас, балки охири оқибатда иқтисодиётнинг бошқа субъектлари томонидан ишлатилишига воситачилик қиладилар. Бунда банклар мижозлар топшириғи билан уларнинг пул маблағларини жойлаштирувчи брокерлар сифатида гавдаланмасдан, балки мустақил ҳал қиладилар. Банк воситачиларнинг махсус турига киради. У, маблағларни жалб қилиб, ўзига мажбурият яратиш олади. Лекин, банкдан шу пул маблағларини олган мижознинг ўз мажбуриятини бажариш—бажармаслигига қарамасдан, банк ўзининг бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятини бажариши шартдир.

Ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган хилма—хил хизматларни банк функцияларига тўғри келадиган уч гурӯҳга ажратиш ўринлидир:

Биринчи —бир мамлакат ичкарасида ҳамда халқаро доирада ҳисоб—китоб ва тўловларни юритиш;

Иккинчи —маълум муддат ўтиши билан жалб қилинган маблағларни қайтариб бериш кафиллиги ва унга фоизлар тўлаш орқали иқтисодиётнинг

субъектларидан пул маблағларини жалб қилиш.

Учинчи –жалб қилинган пул маблағларини кредитга бериш воситасида иқтисодиётни молиялаштириш.

Ҳисоб–китоб ва тўлов функцияси замонавий банк тизимида энг асосан, банклар томонидан ҳисоб рақамларга пул маблағларини қабул қилиш ва шу билан бирга ҳеч қандай қийинчиликсиз уларни ечиб олишга асослангандир (нақд пул шаклида ёки бошқа шахслар ҳисоб рақамларига пул ўтказиш йўли билан). Пул ўтказиш–тўлов оборотини хусусиятларига боғланган ҳолда у ёки бу мамлакатда чеклар инкассацияси орқали (чеклар муомаласи ривожланган мамлакатларда) ёки банклар томонидан ҳисоб рақамларининг эгаларидан тўлов топшириқномаларини олиши натижасида амалга ошиши мумкин. У ёки бу мамлакат тижорат банклари Марказий банк билан биргаликда тўлов оборотини амалга ошириш функциясини бажарар экан, банкнотлар ва тангалар кўринишидаги нақд пуллардан ташқари иқтисодиётнинг барча пул маблағларини ушлаб турувчилар сифатида гавдаланади.

Тижорат банклари ҳам миллий, ҳам жаҳон хўжалиги доирасида қимматли қоғозлар билан бўлган аксарият операцияларининг ҳисоб–китобларини амалга оширувчи ташкилотлар сифатида ўртага чиқиб минимал муддат ичида савдо оборотига хизмат кўрсатиш учун тайғр бўлган иқтисодиётнинг молиявий ресурсларини энг ҳаракатчан қисмини ўзида мужассамлаштиради. Бу ресурслар қоида бўйича банкларнинг талаб қилингунга қадар ҳисоб рақамларида жамланади.

Иқтисодиётдаги маблағларни қайта тақсимловчи бошқа молиявий институтлардан банкларнинг моҳиятан олиб қараганда фарқи–унинг пул маблағларини жалб қилиш усулидадир. Масалан, инвестицион фондлар ўз мижозларининг қўйилмалари учун фоизлар тўловини кафилламайдилар, чунки фоизли тўловлар инвестицион фонд фаолиятининг натижасига боғлиқдир. Айрим пайтларда унинг фаолияти натижасиз ёки салбий натижа билан якунланиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳоллар пенсион

фондларида ҳам учрайди. Банк эса депозитларни жалб қилар экан, молия бозоридаги операцияларининг тақдири қандай бўлишига қарамасдан, олдиндан фоиз ставкаларини қатъий ўрнатиб, депозит бўйича ёзиладиган даромадни қафолатлаб қўяди.

Шундай қилиб, банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари бўйича мулоҳазаларимизни жамлаган ҳолда айтиш керакки, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятнинг янги, ўзига хос алоҳида йўналиши—банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти пайдо бўлмоқда. У қимматли қоғозлар билан эмиссион, инвестицион ва воситачилик операцияларини амалга оширишни ўзида акс эттиради. Бу, профессионал жиҳатдан мураккаб фаолият бўлиб, чуқур иқтисодий ва юридик билимларни, математик ва инфорацион таъминланишини ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг янги инструментлари билан ишлашда юқори даражада амалий тажрибани талаб қилади. Банкнинг моҳияти ва унинг ўзига хос функциялари банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишига назарий тарафдан тўғри келади. Чунки банклар пул маблағлари билан операцияларни амалга оширади. Қимматли қоғозлар эса пул маблағларининг нусха кўринишидир, яъни фиктив капиталлардир. Банк томонидан пул маблағларини ҳаракатга келтириши натижасида унинг маҳсулоти яратилади—пулнинг иккига кўпайтмаси. Айнан шу кўпайтмаси, қимматли қоғозлар кўринишида ҳам ўз ифодасини топади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти олинган умумий банк лицензияси дорасида амалга оширилади. Марказий банк берган умумий банк лицензияси тижорат банкларига қимматли қоғозлар бозорида қўшимча лицензиясиз фаолият юритиш имкониятини беради. Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга оид операцияларни амалга оширадиган мутахассисларига нисбатан биргина челаш бор. Улар Молия вазирлиги томонидан ташкил этилган “қимматбаҳо қоғозларга доир операциялар” курсида ўқиб, фонд бозори мутахассислари номлари ёзилган

малака отестат(шаҳодатнома)ларини олишлари керак.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолияти, ушбу фаолият турларига ўрнатилган талабларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Банкда инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ банк операциялари бўйича жавобгарлик юклатилган таркибий бўлинма ташкил этилади.

Бўлинманинг ходимлари ўрнатилган тартибда банк (филиал) раҳбарининг тегишли қарори (буйруғи) асосида тайинланадилар.

Бўлинманинг ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан берилган қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи малака аттестатига эга бўлиши лозим. Бунда, мазкур бўлинма раҳбари бўлган ходим қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи I тоифали малака аттестатига эгалик қилиши лозим.

Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи малака аттестатини олиш учун ўтказиладиган аттестация тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ўрнатилади.

Банк томонидан инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар бўйича ҳужжатларни бўлинма ходимлари имзолашлари (виза қўйишлари) лозим.

Ишончли бошқарувдаги инвестиция активларнинг ўртача йиллик қиймати миқдорини ҳисоблаш банк томонидан «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача

йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#) (2004 йил 5 март, рўйхат рақами 1322) қоидаларига биноан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар билан амалга оширилаётган шартномаларни тузишда бир томон бўлиб қатнашаётган банк мазкур шартномани рўйхатга олиш ҳуқуқига эга эмас.

Банклар қимматли қоғозлар бўйича биржадан ташқари битимларни рўйхатга олишда биржадан ташқари битимларнинг рўйхатини юритиш талабларига риоя қилишлари ҳамда рўйхатга олинган битимлар бўйича қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот тақдим этишлари лозим.

Инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш банк томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Банклар инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга ошириш жараёнида банк сири тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилишлари лозим ҳамда хизматда фойдаланиладиган ахборотга эга бўлиб, бу ахборотдан битимлар тузиш учун фойдаланиш ва ушбу ахборотни битимлар тузиш учун учинчи шахсларга берилиши тақиқланади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида фаолият юритувчи банкдан, улар томонидан амалга оширилган қимматли қоғозлар билан операциялар ва битимлар бўйича ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

Республика ҳудудларида жойлашган қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларни бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида фаолият юритувчи банк филиаллари қонунчиликда кўзда тутилган ахборотни қимматли қоғозлар бозорини

тартибга солувчи ваколатли давлат органининг жойлардаги тегишли худудий бўлимларига қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этади.


Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчиси ва инвестиция консултанти сифатидаги касбий фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш функцияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи билан биргаликда амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органига инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида фаолият юритувчи банк томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги ҳақида ахборот келиб тушганда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига чоралар кўриш учун маълумотлар юбориш ҳуқуқига эга.

2-боб. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан операциялари ҳисобининг амалдаги ҳолати таҳлили

2.1. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан пасив операциялар ҳисоби

Хозирги кунда тижорат банкларига акциялар, облигациялар, депозит ва жамғарма сертификатлар каби қимматли қоғозлар турларини чиқаришга рухсат берилади. (7–расм)



7-расм. Тижорат банклари томонидан эмиссия қиладиган қимматли қоғозлари¹³

Банклар акцияларни устав фондларини шакллантириш мақсадида чиқаради. Банклар қарз маблағлари жалб этиш учун ўзининг қарз мажбуриятлари – облигациялар, депозит ва жамғарма сертификатларни муомалага чиқаради. Ундан ташқари улар ҳосилавий қимматли қоғозларни муомалага чиқариши мумкин. Фақатгина йирик саноат корхоналарининг қарз мажбуриятлари ёки акцияларигина банк қимматли қоғозлари билан жиддий рақобатлаша олади. Бироқ реал секторни маблағ билан таъминлаш, даромадлилик жиҳатидан банк фоизларига тенглаша олмайди. Шундай қилиб, банк қимматли қоғозлари узоқ муддатли манфаатларни

¹³ Муаллиф томонидан тузилди

кўзлайдиган инвесторлар учун ҳам, вақтинча ишлатилмаётган маблағларни жойловчилар учун ҳам манфаатли қуйилма объектидир. Узоқ муддатга мўлжалланган мақсадни амалга ошириш кўзланганда йирик ва ўртача тижорат банкларининг акцияларига маблағ инвестициялаш энг юқори самара бериши мумкин. Бундай ҳолда акциядор иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаларидаги конъюктура тебранишларидан бир мунча кафолатланган бўлади, яъни банкнинг ўзи учун маблағлари сарфланаётган тармоқларнинг аҳволини эътибор билан кузатиб боради ва имкони борича ўз кредит портфелини диверсификациялайди.

Агробанк иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни модернизациялашда, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида фаол иштирок этиши учун банк капиталлашув даражасини янада ошириш, узоқ муддатли ресурс базасини кўпайтиришга қаратилган стратегиясини амалга ошириш, яъни қимматли қоғозлар инструментлари доирасини белгилаш ҳамда муомалага чиқариш ва жойлаштириш орқали ўзининг фонд бозоридаги фаолиятини кенгайтириб бормоқда.

Агробанк ўз шўъба корхоналари орқали фонд бозорида бевосита ёки билвосита инвестиция воситачиси, инвестиция активларининг бошқарувчиси, инвестиция консултанти ҳамда депозитар хизматларни кўрсатувчи профессионал иштирокчи сифатида миждозларга ўз хизматларини таклиф этиб келмоқда.

Тижорат банклари барча эмитентлар сингари ўз қимматли қоғозларни “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”га (2009 йил 30 август № 2000) мувофиқ муомалага чиқаради.

Эмитент акциядорлик жамияти шаклида тузилаётганда барча акциялар унинг муассислари орасида жойлаштирилиши лозим.

Эмитент акциядорлик жамияти шаклида тузилаётганда муассислар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акцияларнинг типлари, улар

бўйича тўлов миқдори, шакли ва тартиби, шунингдек устав капиталининг миқдори қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда уни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси ёки эмитент устави билан белгиланади.

Эмитент уставида акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларнинг (жойлаштирилган акциялар) типлари, сони ва номинал қиймати белгиланган бўлиши керак.

Эмитент уставида эмитент жойлаштирилган акцияларга (эълон қилинган акциялар) қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларнинг сони, номинал қиймати ва типлари белгиланиши мумкин. Уставда ушбу Қоидалар мавжуд бўлмаганда эмитент қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Эмитентнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ошириш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши фақат уставга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда эмитентнинг эълон қилинган акциялари сонини аниқлаш ёки ошириш қисмига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганидан кейин амалга оширилиши мумкин. Қўшимча акциялар фақат эмитент уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида жойлаштирилиши мумкин.

Агар эмитент уставида муайян типдаги эълон қилинган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган бўлса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган ушбу типдаги қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари эмитент уставининг кўрсатилган қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Акцияларни қўшимча чиқариш фақат эмитентнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор фақат эмитент уставига киритиладиган акцияларнинг олдинги чиқарилиши натижаларига кўра жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялар сонининг янги миқдорига нисбатан киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг номинал қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланиши лозим.

Эмитент бир чиқарилиш доирасида оддий ва имтиёзли акцияларни жойлаштиришни назарда тутувчи акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Бунда агар барча имтиёзли акцияларни жойлаштирилганда ва бир дона ҳам оддий акциялар жойлаштирилмаганда эмитент имтиёзли акцияларининг номинал қиймати унинг устав капиталининг 20 фоизидан ошса, обуна йўли билан жойлаштирилаётган оддий ва имтиёзли акцияларнинг чиқарилишларини бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш мумкин эмас.

Бир чиқарилиш доирасида турли қимматли қоғозлар турларини чиқаришга йўл қўйилмайди.

Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати эмитентнинг рўйхатдан ўтказилган устав капиталининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Бир ёки бир нечта типдаги имтиёзли акцияларнинг чиқарилиш эҳтимоли, уларнинг ҳар бири бўйича дивиденд миқдори ва (ёки) тугатилиш қиймати, улар берган ҳуқуқлар ҳажми эмитент устави билан белгиланади. Бир типдаги имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига бир хил ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

Эмитент қўшимча акцияларни жойлаштиришни обуна ёки айирбошлаш орқали амалга оширишга ҳақлидир.

Эмитент - очик акциядорлик жамияти қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда у томонидан чиқарилган акцияларга очик обуна (оммавий жойлаштириш) ўтказишга ва уларнинг эркин савдосини амалга оширишга ҳақлидир. Эмитент - очик акциядорлик жамияти у томонидан чиқарилган акцияларга ёпиқ обуна (хусусий жойлаштириш) ўтказишга ҳақлидир, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти эмитент устави ёки қонун ҳужжатлари талаблари билан чеклаб қўйилган ҳолатлар бундан мустасно.

Эмитент - ёпиқ акциядорлик жамияти акцияларни очик обуна воситасида жойлаштиришни ўтказишга ёки уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас.

Эмитент акциядорлари очик обуна воситасида жойлаштирилаётган қўшимча акцияларни эмитент уставида белгиланган тартибда уларга тегишли ушбу типдаги акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритувчи эмитентнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

Устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан қўпайтириш фақат эмитентнинг ўз капиталини капитализация қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Устав капиталини жойлаштирилган акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан қўпайтиришда эмитент томонидан оширилган номинал қийматга эга акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширади.

Бунда паст номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланади.

Устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтириш эмитентнинг ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Эмитент устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капиталини капиталлаштириш ҳисобига қўпайтиришда ушбу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга унга тегишли акциялар билан бир типдаги акциялар, унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Эмитентнинг акциядорлари орасида қўшимча акцияларини тақсимлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган реестрни ёпиш санасига амалга оширилади. Кўрсатилган сана акцияларнинг қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кунидан бошлаб ўттиз кундан кечикмасдан бошланиши лозим.

Қўшимча акцияларни тақсимлаш натижасида акциядорларнинг - бутун акциялар эгаларининг касрий акциялари пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

Капиталлаштиришга йўналтирилган ўз капитал манбалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

3-жадвал

ОАТБ “Агробанк”нинг муомалага чиқарган акциялари тўғрисида маълумот¹⁴

№	Кўрсаткичлар	Тегишли йилдаги қиймати					
		2008	2009	2010	2011	2012	2013
1	Устав фонди, минг.сўм.	500000000	801000000	1150000000	1262010000	167377828	208731788
2	Оддий акциялар сони.	4950000	79600000	99500000	109240000	145045937	17650590
3	Имтиёзли акциялар сони.	500000	500000	500000	500000	500000	500000
4	Имтиёзли акциялар дивиденд ставкаси, %.	20	20	20	20	20	20
5	Акция номинали, сўм.	1000	1000	1150	1150	1150	1150
6	Юридик шахс – акциядорларнинг УФ улуши, %.	83	83	83	82	84	85
7	Жисмоний шахс – акциядорларнинг УФ улуши, %.	17	17	17	18	16	15

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ОАТБ “Агробанк”нинг муомалага чиқарган акциялари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Бунда оддий акциялар муомалага чиқарилмоқда. Имтиёзли акциялар ўрганилаётган йиллар давомида 500000 дондан ошмаган. Юридик шахс – акциядорларнинг устав капиталидаги улуши ўртача 83 фоизни, жисмоний шахсларнинг улуши эса мос равишда 17 фоизни ташкил қилган.

¹⁴ ОАТБ “Агробанк”нинг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётган эмитентнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини пасайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан эмитент томонидан акцияларнинг бир қисмини уларни кейинчалик сўндириш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

Устав капиталини жойлаштирилган акциялар номинал қийматини пасайтириш йўли билан камайтиришда эмитент томонидан пасайтирилган номинал қийматга эга акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширилади.

Бунда, юқори номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янгидан чиқарилган номинал қиймати пасайтирилган акцияларга айирбошланади.

Акциялар ҳужжатсиз шаклда депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар электрон тарзида чиқарилади. Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда чиқарилган акциялар Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”;

Кт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Обуна қилинганда ва акция олди-сотди шартномаси тузилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) имтиёзли акциялар бўйича:

Дт 30303 - “Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)”;

Кт 30309 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли”;

б) оддий акциялар бўйича:

Дт 30306 - “Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)”;

Кт 30312 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий”.

Акция учун тўлов тўлиқ ёки қисман олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 30303 - “Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)” ёки 30306 - “Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)”.

Тўлов тўлиқ олингандан сўнг битим амалга оширилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акциянинг номинал қийматига:

Дт 30309 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли”;

Кт 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли”;

б) оддий акциянинг номинал қийматига:

Дт 30312 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий”;

Кт 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий”;

в) обуна баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

Дт 30309 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30312 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий”;

Кт 30603 - “Қўшилган капитал”;

г) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботига асосан:

Дт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”.

Акцияларни чиқарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар 56795 - “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағининг “Акцияларни чиқариш

билан боғлиқ харажатлар” алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Агар акциялар чиқарилишидан аввал акциянинг қиймати потенциал акциядорлар томонидан тўлиқ ёки қисман тўланганда, акциялар бўйича олдиндан тўловлар, акциялар чиқарилишига қадар мажбуриятларда акс эттирилади. Шунингдек, банкнинг янги акцияларига обунада иштирок этиш кафолати учун потенциал акциядорлар томонидан омонат (депозит) кўйилиши мумкин.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) олдиндан тўлов амалга оширилганда:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;

Кт 29830 - “Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар”;

б) акциялар сотилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботида асосан:

Дт 29830 - “Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар” – тўлов суммасига;

Кт 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Иштиёзли” ёки

30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий” – акциянинг номинал қийматида;

Кт 30603 - “Қўшилган капитал” – тўлов суммаси билан номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқ суммасига.

в) бир вақтнинг ўзида ушбу Йўриқноманинг 4-банди “г)” кичик бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Эълон қилинган дивидендларнинг ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт 31203 - “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)” (йиллик дивидендларни ҳисоблашда); 31206 - “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)”

(оралиқ дивидендларни ҳисоблашда); 30903 - “Умумий захира фонди” (фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича);

Кт 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”.

Дивидендлар тўланганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”;

Кт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи.

Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк устав капиталини оширишга йўналтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”;

Кт 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий” – акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 - “Қўшилган капитал” – номинал қийматидан юқори суммасига.

Акцияларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига устав капитали кўпайтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30603 - “Қўшилган капитал” ёки 31203 - “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)” ёки 31206 - “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” (30603 ҳисобварағида маблағ етмаганда);

Кт 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий”.

Тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш ҳисобига қўшимча акциялар жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 31203 - “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)”;

Кт 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий” – акциянинг номинал қийматига;

КТ 30603 - “Қўшилган капитал” – номинал қийматидан юқори суммасига.

Илгари чиқарилган қимматли қоғозларга эркин айирбошлаш ҳисобига банк акциялари жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акцияларни оддий акцияларга ёки имтиёзли акцияларни бошқа турдаги имтиёзли акцияларга айирбошланганда:

Дт 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” – акциянинг номинал қийматига;

КТ 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий” – акциянинг номинал қийматига;

б) эркин айирбошланадиган облигациялар айирбошлаш учун тақдим этилганда:

Дт 23602 - “Чиқарилган облигациялар” баланс ҳисобварағининг “Эркин айирбошланадиган облигациялар” шахсий ҳисобварағида – эркин айирбошлашга тақдим этилган қимматли қоғоз қийматига;

КТ 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий” – акциянинг номинал қийматига;

КТ 30603 - “Қўшилган капитал” – номинал қийматидан юқори суммасига, айирбошлаш коэффиценти 1 дан юқори бўлганда.

Акцияларни номинал қийматини камайтириш ҳисобига уларнинг сонини кўпайтиришда (майдалашда), банклар ҳар бир акциядорнинг акцияси сонига мувофиқлаштириш учун шахсий ҳисобварақларда тегишли тузатишларни амалга оширади. Бу ҳолда улар бўйича бош китобда бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилмайди.

Акцияларни сонини камайтириш ҳисобига уларнинг номинал қийматини оширишда (йириклаштиришда), бош китобда ҳеч қандай бухгалтерия ўтказмаларини амалга ошириш талаб этилмайди ва фақат шахсий ҳисобварақларда тузатишлар амалга оширилади.

Агар банк ўз акцияларини уларни қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда банкнинг ўз капитали акцияни сотиб олиш қийматига камаяди. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30321 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Имтиёзли (контр-пассив)” ёки

30324 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Оддий (контр-пассив)”;

Кт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

Агар банк ўз акцияларини бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари” ҳисобварағига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”;

Кт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Агар банк ўз акцияларини кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90337 - “Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари” ҳисобварағига номинал қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90337 - “Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари”;

Кт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Сотиб олинган банкнинг ўз акциялари кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи – акцияни сотиш қийматига;

Кт 30321 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Имтиёзли (контр-пассив)” ёки 30324 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Оддий (контр-пассив)” – акцияни сотиб олиш қийматиға;

Кт 30603 - “Қўшилган капитал” баланс ҳисобварағининг “Қайта сотиб олинган ўз акциялари бўйича қўшилган капитал” шахсий ҳисобварағи – қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги ижобий фарқ суммасига;

б) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи – акцияни сотиш қийматиға;

Дт 30603 - “Қўшилган капитал” – акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиғи доирасида;

Кт 30321 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)” ёки 30324 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)” – акцияни сотиб олиш қийматиға.

30603 - “Қўшилган капитал” ҳисобварағининг “Ўз акцияларини сотиб олишдан олинган қўшилган капитал” алоҳида шахсий ҳисобварағининг қолдиғи нолга тенг бўлса, акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ 31206 - “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” баланс ҳисобварағига ўтказилади.

в) бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90337 - “Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари”.

Акциялар бекор қилинганда ёки банкнинг акциядорлик капитали камайтирилганда (устав ҳужжатларига киритиладиган тегишли

ўзгартиришлар Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг), қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий” – акциянинг номинал қийматига;

Кт 30321 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Имтиёзли (контр-пассив)” ёки 30324 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Оддий (контр-пассив)” – акцияни сотиб олиш қийматига.

Ўз акцияларини сотиб олиш билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий фарқ 30603 - “Қўшилган капитал” ҳисобварағининг мос равишда дебети ёки кредитига олинади. Ҳисобварақнинг кредит қолдиғи етарли бўлмаганда, етмаган салбий фарқ 31206 - “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” ҳисобварағига олинади.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:


Дт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”.

ОАТБ “Агробанк” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан банк томонидан юридик шахслар учун фоизи Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бўлган, 5 йил муддатга мўлжалланган 5 млрд. сўмлик корпоратив облигациялари муомалага чиқарилди ҳамда мижозлар ўртасида тўлиқ жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6-апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1090-сонли Қарорига асосан хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш, пул маблағларини банк айланмасига йўналтириш мақсадида банкнинг юридик шахслар учун мўлжалланган 150 млрд. сўмлик депозит сертификатлари чиқарилди. Мазкур чиқарилувдан 121,2 млрд. сўмлиги мижозларга сотилди. Ушбу депозит сертификатлар 13 ҳамда 14 ойга мўлжалланган бўлиб муддатига мос равишда 10-11 фоиз миқдорида даромад тўланади. Шунингдек, 6 ойдан 12 ойгача муддатга мўлжаллаб чиқарилган муддатларига мутаносиб равишда 12 фоизгача даромад тўланадиган 75 млрд. сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди. Ҳозирги кунда ушбу депозит сертификатларининг 21,5 млрд. сўмлиги мижозларга сотилди.



8-расм. ОАТБ “Агробанк” томонидан муомалага чиқарилган депозит сертификатлари¹⁵

Эмитент томонидан облигацияларни чиқариш агар эмитентнинг уставида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади.

¹⁵ ОАТБ “Агробанк” ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Облигациялар фақат тижорат банклари, шунингдек очик акциядорлик жамиятлари томонидан қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда чиқарилиши мумкин:

а) аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

б) охириги уч йил мобайнида рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидлиликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлган (тижорат банклари бундан мустасно);

в) мустақил рейтинг баҳосини олган;

г) инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида;

д) устав капиталини қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда шакллантирган;

е) камида уч йилдан бери фаолият юритаётган.

Тижорат банклари - очик акциядорлик жамиятлари томонидан устав билан белгиланган банк устав капитали миқдори доирасида облигациялар чиқарилган тақдирда қарор қабул қилинган санадаги аудиторлик ташкилотининг ўз капитал миқдorigа доир хулосасининг мавжудлиги талаб қилинмайди.

Облигациялар уларнинг эгаларига очик акциядорлик жамиятини ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган тижорат банкини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

Эмитент томонидан чиқарилган ва сўндирилмаган (бекор қилинмаган) барча облигацияларнинг номинал қиймати ўз капиталининг миқдоридан ошмаслиги керак.


Облигация унинг олинган вақтидан қатъи назар, бир чиқарилиш ичида ҳуқуқларни амалга оширишда тенг ҳажмлар ва муддатларга эга.

Устав фондининг шаклланганига қадар (тижорат банклари устав фондининг шаклланиш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек, уни тўлдириш ёки эмитентнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун облигациялар чиқаришга йўл қўйилмайди.

Облигациялар ҳужжатли ва ҳужжатсиз шаклда чиқарилиши мумкин.

Ҳужжатли шаклдаги облигациялар жойлаштирилган тақдирда облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг барча нусхаларига облигация бланкининг намунаси (баёни) тикилади.

Фоизли, дисконтли, ютуқли ва мақсадли (фоизсиз) облигациялар чиқарилиши мумкин.



9-расм. Тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган облигациялар¹⁶

Фоизли облигациянинг даромади чиқарилиш шартлари билан белгиланадиган номинал қиймати бўйича белгиланган муддатда сўндириш ва қайд этилган фоизларни тўлаш ҳисобига ташкил этади.

Дисконтли облигациянинг даромади номинал қиймати бўйича белгиланган муддатда сўндириш ҳисобига, бунда даромад сотиш баҳоси ва облигациянинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобига ташкил этади.

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилди

Ютуқли облигацияларни чиқаришда номинал қийматга фоиз ёки дисконт кўринишида белгиланган даромадга қўшимча равишда мунтазам ўтказиб туриладиган тиражлар бўйича ютуқ кўринишида тўланадиган даромад белгиланиши керак. Даромади мунтазам равишда ўтказиб туриладиган тиражлар бўйича ютуқ кўринишида белгиланадиган облигацияларни чиқаришга йўл қўйилмайди.

Мақсадли (фоизсиз) облигациялар бўйича даромад товар (хизмат) кўринишида белгиланади. Қайси товар (хизмат) асосида чиқарилганлигини кўрсатиш мақсадли облигацияларнинг мажбурий реквизити ҳисобланади.

Облигацияларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини муомалага чиқаришга йўл қўйилади.

Банкнинг берилган кредитлар ва бошқа активларини таъминлаш бўйича қимматли қарз қоғозлари мазкур Қоидалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда облигациялар кўринишида чиқарилиши мумкин.

Банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозларининг ҳисоби уларнинг номинал қиймати бўйича 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” баланс ҳисобварағининг тегишли ҳисобварақларида юритилади.

Ҳужжатсиз ёки ҳужжатли қимматли қоғозларнинг бланкалари Марказий депозитарийда ҳисобга олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90327 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари”;

Кт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Дт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”;

Кт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Қимматли қоғозлар номинал қиймати бўйича жойлаштирилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;

Кт 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар”.

Дт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90327 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари”.

Дт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”.

Қимматли қоғоз номинал қийматидан юқори баҳода сотилганда сотиш баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ (мукофот) 23696 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)” ҳисобварағининг кредитига сотиш кунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи – қимматли қоғозни сотиш қийматига;

Кт 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” – қимматли қоғознинг номинал қийматига;

Кт 23696 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)” – қимматли қоғозни сотиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига.

Бир вақтнинг ўзида бланка ёзиб берилганда ёки инвесторнинг депо ҳисобварағига ўтказилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90327 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари”.

Дт 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”.

Қимматли қоғоз номинал қийматидан паст баҳода сотилса, номинал қиймати ва сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ (дисконт) 23698 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)” ҳисобварағининг дебетига сотиш санасида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи – қимматли қоғозни сотиш қийматига;

Дт 23698 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)” – қимматли қоғозни номинал қиймати ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

Кт 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” – қимматли қоғозни номинал қийматига.

Дисконтлар баланс ҳисоботида чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий суммасидан чегирма кўринишида акс эттирилади.

Мукофотни амортизация қилиш ва фоизли даромадларни тан олиш ҳамда дисконтни амортизация қилиш ва фоизли харажатларни тан олиш реал фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил январь, 4-сон) мувофиқ амалга оширилади.

Агар қимматли қоғозлар фоизларни тўлаш даврлари орасида сотилган бўлса, сотилган ва тўланиши лозим бўлган фоизли мажбуриятлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали сотиш санасида ҳисобга олинади:

Дт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;

Кт 22414 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”.

Қимматли қоғозлар сўндириш ёки қайта сотиш шартлари билан сотиб олинганда, қимматли қоғозлар балансдан чиқарилади. Агар сотиб

олиш баланс қийматида бўлса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) илгари номинал қийматда сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” – номинал қийматга;

Кт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи – номинал қийматга;

б) илгари дисконт билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” – номинал қийматга;

Кт 23698 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)” – дисконтнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи – қимматли қоғозни сотиб олиш қийматида;

в) илгари мукофот билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” – номинал қийматга;

Дт 23696 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)” – мукофотнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи – қимматли қоғозни сотиб олиш қийматида;

г) ҳисобланган фоизларни тўлашда:

Дт 22414 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”;

КТ 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

Агар банк қимматли қоғозни номинал қийматидан паст баҳода сотиб олса, номинал қиймат ва сотиб олиш баҳоси ўртасида ижобий фарқ 45994 - “Бошқа фоизсиз даромадлар” ҳисобварағининг “Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялардан олинган даромадлар” алоҳида шахсий ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади. Агар банк томонидан қимматли қоғоз баланс қийматидан юқори баҳода сотиб олинса, баланс қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги салбий фарқ 55995 - “Бошқа фоизсиз харажатлар” ҳисобварағининг “Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялар бўйича қилинган харажатлар” алоҳида шахсий ҳисобварағининг дебитида акс эттирилади.

Агар банк қимматли қоғозни бекор қилиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобга олинади:

Дт 90327 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари”;

КТ 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Дт 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”;

КТ 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Агар банк қимматли қоғозларни қайта сотиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар 90337 ҳисобварағида номинал қиймат бўйича, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90337 - “Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари”;


КТ 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

2.2. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан актив операциялар ҳисоби

Тижорат банклари томонидан халқ хўжалигини кредитлаш ва уни ҳисобга олиш жараёнини тадқиқ қилишда авваломбор ўрганилаётган тижорат банкининг активлари таркибини кўриб чиқсак.

Активлар пул, кредит, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар ва ускуналар сингари жисмоний шаклга эга. Бироқ, жисмоний шакл активнинг мавжуд бўлиши учун зарур эмас. Масалан, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари активлардир, агар банк келгусида улардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олишни кутаётган бўлса.

Активлар, масалан, дебиторлик қарзлари ва мулк юридик ҳуқуқлар, шу жумладан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Актив мавжудлигини аниқлашда, эгалик ҳуқуқи асосий ҳисобланмайди. Масалан, ижарага олинадиган мулк актив ҳисобланади, агар банк ана шу мулкдан олиниши керак бўлган фойдани назорат қилса.



10-расм. Тижорат банкларининг жами активлари қолдиғининг динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)¹⁷

¹⁷ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Тижорат банкларининг жами активлари охирги 6 йил давомида 3,5 бараварга кўпайиб, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 43,9 трлн. сўмга етди (10-расм). Банк активлари юқори ўсиш тенденциясига эга.

4-жадвал

Тижорат банклари активлари таркибининг таҳлили¹⁸

№	Активлар	2012 й		2013 й	
		млн.сўм	% да	млн.сўм	% да
1.	Нақд пуллар ва бошқа хил касса ҳужжатлари	778389	2,99	789609	2,42
2.	ЎзР МБдаги пул маблағлари	4348676	16,69	4710623	14,42
3.	Бошқа банклардаги маблағлар	4688172	17,99	5327749	16,31
4.	Олди-сотди ҳисобрақами				
а	Қимматли қоғозлар	25484	0,1	47215	0,14
б	Қимматбаҳо металлар, танга ва тошлар	19	0	21	0
в	Минус, олди-сотди ҳисобрақами бўйича кўрилиши мумкин бўлган заҳира	81	0	197	0
г	Олди-сотди ҳисобрақами, соф	25422	0,1	47038	0,14
5.	Инвестициялар	636494	2,44	811653	2,49
а	Минус, инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заҳира	8336	0,03	19663	0,06
б	Инвестициялар, соф ҳолда	628159	2,41	791990	2,43
6.	Қимматли қоғозлар, қайта сотиш шарти билан олинган	0	0	517	0
7.	Ссудалар ва лизинг				
а	Жами ссудалар	12977908	49,8	18283385	55,99
б	Жами берлиган лизинг	366580	1,41	419117	1,28
в	Минус, ссуда ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган заҳира	239328	0,92	342732	1,05
г	Ссудалар ва лизинг, соф ҳолда	13105160	50,28	18359000	56,22
8.	Молиявий воситалар бўйича мижозларни мажбуриятлари	0		364106	1,11
9.	Асосий воситалар, соф ҳолда	855893	3,28	1001479	3,07
10.	Олиниши лозим бўлган фоизлар	160903	0,62	191226	0,59
11.	Соф, кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган активлар	257492	0,99	264918	0,81
12.	Бошқа активлар	806114	3,09	807866	2,47
	Жами	26062537	100	32656000	100

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2013 йил якуни бўйича таҳлил қилинаётган банкларнинг активлари 32656 млрд. сўмни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 6593 млрд. сўмга кўпдир. Банк активлари таркибида энг юқори салмоққа мижозларга берилган кредитлар 56,22 фоизга эга, лекин бу жаҳон амалиётига нисбатан қарайдиган бўлсак

¹⁸ “Ahbor-Reyting” рейтинг компаниясининг банк секторининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

анчагина паст. Унинг улушини 65-70 фоизга етказса мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги ўринда бошқа банклардан олинishi керак бўлган пуллар 16,3 фоизни ва ЎзР Марказий банкидан олинishi керак бўлган пуллар 14,42 фоизни ташкил қилган. Банк активлари таркибида нақд пуллар, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар, тангалар ва тошлар, инвестициялар, тескари РЕПО, лизинг, мижозларнинг молиявий воситалар бўйича мажбуриятлари, асосий воситалар, олиш учун ҳисобланган фоизлар, кредит бўйича ҳисоб-китобларда олинган бошқа активлар салмоғи пастроқ. Таҳлил қилинаётган даврда республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга жалб қилинган инвестициялари банк активлари ҳажмидаги салмоғи жуда паст. Ушбу ҳолат эса, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларининг ривожланмаганлигини билдиради. Демак, республикамиздаги мавжуд банк тизими активларининг таркиби активларнинг самарали эмаслигидан далолат беради.

ОАТБ “Агробанк”нинг инвестиция сиёсатида асосан иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, омонатларга жалб қилинган мижозлар сармояларини банк томонидан инвестицияларга самарали жойлаштириш, ўз активларини диверсификация қилиш ҳамда шу орқали хавф-хатар даражасини камайтириш, банкнинг потенциал даромадларини ошириш, сармояларни хавфсиз инвестиция қилган ҳолда тегишли фойда олиш тамойиллари асосида фаолиятни амалга оширмоқда.

Ҳисобот санасига банкнинг қимматли қоғозлар портфели 62 млрд. 364 млн. сўмни ёки банк активларининг 1,8 фоизини ташкил этди.

Банкнинг қимматли қоғозлар портфелидаги инвестицияларининг асосий қисми банк балансига берилган иқтисодий ночор корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарга, банкларга, шунингдек лизинг корхоналарга киритилган.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2013 йилда банк активлари ўтган йилга нисбатан 110,8 фоизга ўсиб, 2577 млрд. сўмни ташкил этди.

Берилган кредитлар ҳам йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган ва 2009 йилга нисбатан 2 баравар кўпдир.

5-жадвал

ОАТБ “Агробанк”нинг активлари таркиби ва динамикасининг таҳлили¹⁹


N	Моддалар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил		2013 йил 2009 йилга нисбатан ўзгариши
	Активлар	млн. сўм	млн. сўм	млн. сўм	млн. сўм	млн. сўм	% да	млн. сўм
1.	Нақд пуллар ва бошқа хил касса ҳужжатлари	17901	17940	35321	77314	86542	3,4	+68641
2.	ЎзРМБдаги пул маблағлари	217001	192865	98600	98485	104821	4,1	-112180
3.	Бошқа банклардаги маблағлар	33822	44354	71532	110928	129476	5,0	+95654
4.	Олди-сотди ҳисобрақами	0	0	0	0	0	0,0	0
5.	Хосилавий молиявий воситалар	0	0	0	0	0	0,0	0
6.	Сотиш учун мавжуд инвестициялар	7039	9720	13010	14705	15246	0,6	+8207
7.	Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициялар	869	0	0	0	0	0,0	-869
8.	Тескари РЕПО	0	0	0	0	0	0,0	0
9.	Жами берлиган лизинг	999566	1043099	1051889	1267622	1755211	68,1	+755645
10.	Минус, ссуда ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган захира	-44184	-52131	-59090	-60071	-62109	-2,4	-17925
11.	Ссудалар ва лизинг, соф ҳолда	955381	990968	992799	1207551	1693102	65,7	+737721
12.	Жами берлиган лизинг, соф ҳолда	0	0	707	1498	1681	0,1	+1681
13.	Кўшма корхона (банк)ларга инвестициялар	5026	15838	15951	17909	18387	0,7	+13361
14.	Гудвилл	0	0	0	0	0	0,0	0
15.	Асосий воситалар,соф ҳолда	52728	54547	64852	59297	61814	2,4	+9086
16.	Номоддий активлар,соф ҳолда	140	531	447	244	286	0,0	+146
17.	Бошқа мол-мулклар	0	0	0	0		0,0	0
18.	Сотиш учун мавжуд активлар	0	0	27300	45133	59452	2,3	+59452
19.	Солиқ талаблари	4905	8406	7620	8271	10284	0,4	+5379
20.	Бошқа активлар	281625	309307	268493	272446	396598	15,4	+114973
21.	Жами активлар	1576437	1644476	1596633	1913780	2577689	100,0	+1001252

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ОАТБ “Агробанк”нинг 2009-2013 йиллар давомида активлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2013 йилда 2577689 млн. сўмни ташкил қилиб, 2009 йилга нисбатан 1001252 млн. сўмга кўпдир. Банк активлари таркибида берилган кредит ва лизинг энг юқори улушга эга бўлиб, 2013 йилда 65,7 фоизни ташкил қилган. Банкнинг қимматли қоғозлари билан амалга оширган актив операциялари бор йўғи 0,6 фоизни ташкил этган. Бу албатта банкнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш лозимлигини кўрсатади.

¹⁹ “Ahbor-Reyting” рейтинг компаниясининг банк секторининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Банклар ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш билан бирга уларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиб уларга инвестиция қилмоқда. Тижорат банкларининг инвестициялари ҳисобига хўжалик субъектларида оборот маблағлари ошаяпти, ўзларига зарур бўлган ресурсларга эга бўлиб, ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни ва ўз фаолиятини кенгайтириш имкониятига эга бўлмоқда. Ўз навбатида тижорат банклари активларни диверсификация қилиш, қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлмоқда. Ушбу активлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан молиявий активлар деб номланади.

Банкларнинг молиявий активларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тўғри тан олиш ва ҳисобга олиш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан 2005 йил 30 ноябрда 1528-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомининг аҳамияти катта.



11-расм. Тижорат банклари молиявий активлари таркиби²⁰

Ушбу низомга мувофиқ молиявий активлар сифатида нақд пул маблағлари, шартномадан келиб чиқиб, бошқа хўжалик субъектларидан

²⁰ Муаллиф томонидан тузилди

пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ва алмаштириш ҳуқуқи ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг улушли воситалари тушунилади. Улар уч тоифага бўлинади: 1) олди-сотди қимматли қоғозлари; 2) сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар; 3) сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қиймати ўзгариши фойда ва зарарларда акс эттирилувчи савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ва банк баланс ҳисоботида дастлабки тан олишда «олди-сотди қимматли қоғозлари» деб таснифланган молиявий активларни ўз ичига олади.

Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлари қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги тўловлар ва қайд қилинган тўлаш муддатига эга бўлган молиявий активлар бўлиб, бунда банк уларни сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имкониятига эга бўлиши лозим.

Молиявий актив яқин келажакда бевосита сотиш мақсадида олинган бўлса, ёки молиявий активлар портфели таркибига киритилган бўлиб, бунда банк томонидан битта гуруҳ сингари бошқарилса ва яқинда қисқа муддатли фойда кўришнинг ҳақиқий белгилари кузатилса, у савдога мўлжалланган активлар сингари таснифланади.

Банк бирор-бир бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишда, уларнинг ҳисобини ҳаққоний қиймати бўйича юритиш мақсадида бўлиб, ҳаққоний қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мақсадида бўлса, банк уларни “олди-сотди қимматли қоғозлари” тоифасида таснифлаши мумкин. Бунда банкнинг ушбу қарори кейинчалик ўзгармаслиги лозим. Банк олдида сотиб олинган қимматли қоғозни қайси тоифага киритиш муаммоси пайдо бўлади. Бу ўз навбатида харид қилинган молиявий активни қайси бухгалтерия ҳисобварағида акс эттириш муаммосини келтириб чиқаради.

Тижорат банки уни хал қилиш учун инвестиция сиёсатида молиявий активларни тўғри таснифланишини таъминлаши лозим ва банк ходимларига операцияларни амалга оширишда инвестиция мақсадини аниқ белгилаши керак бўлади.

Банк молиявий восита бўйича шартнома шартлари тадбиқ этиладиган томонлардан бири бўлгандагина молиявий актив банк томонидан баланс ҳисоботида тан олинади.

Банклар молиявий активни баланс ҳисоботида битим санаси бўйича юритиладиган ҳисобдан келиб чиққан ҳолда тан олишлари лозим. Молиявий актив ҳам, актив учун тўлов мажбурияти ҳам битим санаси бўйича акс эттирилади.

Банклар сотиб олинган молиявий активни дастлабки тан олишда унинг ҳақиқатдаги қийматини акс эттирган ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайдилар. Сотиб олиш учун мавжуд ёки сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар деб таснифланган молиявий активлар бўйича уларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча харажатлар ҳам актив сифатида акс эттирилади ва қимматли қоғознинг «амортизация қиймати»га киритилади. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» сифатида таснифланган молиявий активларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар банкнинг жорий харажати сифатида тан олиниб, фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади.

Банклар молиявий активларни сотиб олишда уларнинг таснифига мувофиқ номинал қиймати тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг мос баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Бунда, мукофот, дисконт ва бошқа ҳар қандай сотиб олинган ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Банклар «олди-сотди» ёки «сотиш учун мавжуд» қимматли қоғозлар сифатида таснифланган улушли қимматли қоғозларни сотиб олишда уларни ҳақиқий қиймати бўйича тегишли баланс ҳисобварақда акс эттиришлари лозим.

Банклар молиявий активларни сотиб олишда уларнинг таснифига мувофиқ номинал қиймати тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг мос баланс ҳисобварақларида акс эттирилади.

Банклар «олди-сотди» ёки «сотиш учун мавжуд» қимматли қоғозлар сифатида таснифланган улушли қимматли қоғозларни сотиб олишда уларни ҳақиқий қиймати бўйича тегишли баланс ҳисобварақда акс эттирилади.

«Сотиш учун мавжуд» ёки «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифаларда таснифланган қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 10889 - «Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар» ёки 15989 - «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар» баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ва барча улушли қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 55110 - «Қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари» баланс ҳисобварағида акс эттирилади.

Банклар «олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган молиявий активларни дастлабки тан олишдан кейин, уларнинг ҳаққоний қиймати бўйича, банкларнинг мазкур активлар бўйича сотишда ёки ҳисобдан чиқаришда қилиши мумкин бўлган харажатларини чегирмаган ҳолда баҳолайдилар. Тўғрилашлар бевосита фойда ва зарарлар ҳисоботи орқали амалга оширилади.

Банклар ҳаққоний қиймат ўзгариши натижасидаги тўғрилаш суммаларини ё портфел ё ҳар бир алоҳида қимматли қоғоз асосида ҳисоблаш ҳукуқига эга. Ушбу ихтиёрий усуллар натижасидан тўғрилашнинг бир хил бўлган якуний суммаси келиб чиқади.

Ҳаққоний қиймат ўзгариши натижасидаги тўғрилаш суммасининг ҳисоб-китоби қуйидагича амалга оширилади: Ҳаққоний қиймат – Баланс қиймати = Тўғрилаш суммаси.

Мазкур формулани қўллашда ҳосил бўладиган мусбат фарқ ҳаққоний қийматнинг ўсишини, манфий фарқ эса ҳаққоний қийматнинг камайишини кўрсатади.

Ҳаққоний қиймат ўзгаришини тўғрилаш, ҳеч бўлмаганда ҳар ой молиявий ҳисоботни тайёрлашдан олдин амалга оширилади. Ҳаққоний қиймат ўсишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10795 - «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши»

Кт 45609 - «Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда» ёки

Кт 45611 - «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда» (савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)

Ҳаққоний қиймат камайишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 55610 - «Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар» ёки

Дт 55614 - «Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар» (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)

Кт 10795 - «Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши»

Дастлабки тан олишдан кейин банклар «сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган молиявий активларни ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайдилар. Бунда банкларнинг мазкур активлар бўйича сотишда ёки ҳисобдан чиқаришда қилиши мумкин бўлган харажатлар ҳаққоний

қийматдан чегириб ташланмайди. Тўғрилашлар бевосита банкнинг фойда ва зарарларига олиб борилмасдан, балки унинг капитал ҳисобварағида амалга оширилади.

Юқорида қўйилган талаблар истисно тариқасида бозор нархида котировка қилинмайдиган ва ҳаққоний қиймати ишончли баҳоланмайдиган улушли воситаларга нисбатан қўлланилмайди. Бундай активлар, агар улар «сотиш учун мавжуд» молиявий активлар тоифасида таснифланган бўлган тақдирда ҳам, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини чегириб ташлагандаги ҳақиқатдаги қиймати бўйича акс эттирилади. Агар, кейинчалик активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш имконияти ишончли бўлган тақдирда, банклар бундай активларни ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олишлари лозим. Агар улушли қимматли қоғоз ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олиниб, кейинчалик ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш имконияти мавжуд бўлмай қолса, у ҳолда ушбу актив ҳақиқатдаги қиймати бўйича акс эттирилади. Бундай ҳолатда ушбу бандда баён этилган ҳисоб услуби қўлланилади, фақат алоҳида капитал ҳисобварағида акс эттириладиган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар амортизация қилинмайди. Бунда улар капитал ҳисобварағида мазкур актив сотилмагунча сақланиб қолади.

Молиявий активларнинг ҳаққоний қиймати ўзгариши билан боғлиқ тўғрилаш суммалари портфел ёки ҳар бир алоҳида қимматли қоғоз асосида аниқланади. Мазкур усуллар натижасидан тўғрилашнинг бир хил бўлган якуний суммаси келиб чиқади.

Ҳаққоний қиймат ўзгаришидан келиб чиқиб, тўғрилаш суммасини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Ҳаққоний қиймат – Баланс қиймати = Тўғрилаш суммаси

Мазкур формулани қўллашда ҳосил бўладиган мусбат фарқ ҳаққоний қийматнинг ўсишини, манфий фарқ эса ҳаққоний қийматнинг камайишини кўрсатади.

Ҳаққоний қиймат ўсишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10895 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши»

Кт 30907 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қийматини ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар (актив-пассив)»

Ҳаққоний қиймат камайишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30907 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қийматини ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар (актив-пассив)»

Кт 10895 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши»

«Сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасида таснифланган молиявий активлар молиявий ҳисоботда кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини чегирган ҳолдаги амортизация қиймати бўйича акс эттирилади.

Бундай активлар бўйича ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ тўғрилаш (корректировка)лар амалга оширилмайди.

Хорижий валютада ифодаланган «олди-сотди қимматли қоғозлари» ёки «сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар» тоифасида таснифланган молиявий активлар бўйича банклар дастлаб хорижий валюта асосида ҳаққоний қийматининг тўғрилаш суммасини аниқлаб олишлари лозим. Кейин эса валюталарни айирбошлашнинг Марказий банк курси бўйича очиқ валюта позициясини қайта баҳолаш йўли билан курс фарқи ҳисобидан олинган ҳар қандай фойда ва зарарлар аниқланади.

Банк молиявий активни тан олишни қуйидаги ҳолларда тўхтатади:

1) мазкур активдан келиб тушадиган пул оқимини олиш юзасидан тузилган шартномада белгиланган ҳуқуқ муддати ўтиб кетганида;

2) банк молиявий активни берганда ва ушбу ҳолат тан олишни тўхтатишни талаб қилувчи ҳолатга тўғри келганда.

Банк молиявий активни беришда мазкур активни бошқариш билан боғлиқ бўлган хавф-хатар ва мукофотлар даражасини баҳолай билиши лозим.

Банк молиявий активни бошқариш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни берадиган бўлса, у ҳолда у мазкур активни ҳисобдан чиқариши ва уни беришда пайдо бўладиган ва сақланган ҳар қандай ҳуқуқ (ёки мажбуриятлар)ни алоҳида актив (мажбурият) сифатида тан олиши лозим.

Банк молиявий активни бошқариш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни ўзида сақлаб қоладиган бўлса, у ҳолда у молиявий активни ҳисобдан чиқармаслиги лозим.

Банклар тан олишни тўхтатиш талабларига жавоб бермайдиган операциялар давридаги ҳар қандай тушумларни мажбурият сифатида 22896 - «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» ҳисобварағида акс эттиради.

«Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган молиявий активни сотиш ёки ҳисобдан чиқаришдаги фойда ёки зарарлар суммаси қуйидагича ҳисобланади:

Сотишдаги тушум – Баланс қиймати = Фойда (зарар)

Ҳаққоний қийматни тўғрилаш суммаси молиявий активни сотишдан олдин акс эттирилган бўлса, у ҳолда юқоридаги формула фойда ёки зарарлар нолга тенглигини кўрсатади. Бироқ, бунда кунлик асосда ҳаққоний қийматни тўғрилаш талаб этилмайди. Агар сотиш натижасида фойда ёки зарарлар пайдо бўлса, у ҳолда мазкур фойда ёки зарарлар ҳаққоний қийматни тўғрилашдан келиб чиққан фойда ва зарарлар акс эттириладиган ҳисобварақларда акс эттирилади.

«Сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган молиявий активни сотишдан ёки ҳисобдан чиқаришдан кўрилган фойда ёки зарарлар қуйидагича ҳисобланади:

Сотишдан келиб тушган тушум – «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши» сифатида акс эттирилган суммани чегирган ҳолдаги баланс қиймати = Фойда (зарар)

Банк, шунингдек, илгари ҳаққоний қийматни тўғрилаш бўйича акс эттирилган ва алоҳида капитал ҳисобварағида ҳисобга олинган суммани бекор қилиш бўйича бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириши лозим.

«Сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифада таснифланган молиявий активларнинг сотилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши натижасидаги фойда ёки зарарлар қуйидагича ҳисобланади:

Сотувдаги тушум – Амортизацияланган қиймат = Фойда (зарар)

Банклар ҳар бир ҳисобот санасига молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар бор-йўқлигини баҳолаши ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашга ёки кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини оширишга зарурат бор-йўқлигини аниқлаштириши лозим.

Фоиз ставкасининг ўзгариб туриши қарз қимматли қоғозларининг ҳаққоний қийматига таъсир қилади. Бироқ, фоиз миқдорининг ўзгариб туриши билан боғлиқ ҳаққоний қийматнинг ўзгариши қадрсизланишга олиб келмайди.

Банклар мазкур бўлимда белгиланган талаблар, шунингдек, Активлар сифат даражасини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида [Низомга](#) (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 632), молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича қоидаларидан фойдаланган ҳолда молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасини баҳолайдилар. Банклар кўрсатилган тартиб асосида

аниқланган катта миқдордаги зарарга тенг бўлган кўрилиши мумкин бўлган зарарни баҳолашни акс эттиради.

6-жадвал

ОАТБ “Агробанк”нинг қимматли қоғозлар билан актив операциялар бўйича Марказий банк иқтисодий нормативларини бажарилиш кўрсаткичлари(01.01.2014 й ҳолатига)²¹

№	Иқтисодий норматив кўрсаткичлари	Меъёр даражаси	Ҳақиқатда	Фарқи
	А	Б	В	Г
		8		
1	Қимматли қоғоз операциялари меъёр даражаси			
1.1	Битта эмитентнинг қимматли қоғозларига инвестицияларнинг миқдори	Макс 0,15	0,000	+
1.2	Олди-сотди мақсадларида қимматли қоғозларга инвестицияларнинг умумий миқдори	Макс 0,25	0,000	+
1.3	Устав капиталига ва барча эмитентларнинг қимматли қоғозларга қилган инвестициялари	Макс 0,50 1,00	0,148	+

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, тижорат банкида ушбу нормативга риоя этиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд эмас.

Амортизация қиймати бўйича акс эттирилган сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу зарар мазкур активнинг баланс қиймати билан актив бўйича кутилаётган пул оқимининг жорий қиймати (ҳали қилинмаган келажакдаги зарарларни чегириб ташлаган ҳолда) ўртасидаги фарқ сифатида баҳоланади. Мазкур жорий қиймат ушбу актив бўйича дастлабки реал фоиз ставкаси (яъни дастлабки тан олишда ҳисобланган реал фоиз ставкаси)га тенг бўлган дисконт ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

²¹ Агробанк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Дт 56826 - «Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кт 15999 - «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

«Сотиш учун мавжуд» тоифасида таснифланган молиявий активнинг кадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлганда, у ҳолда ҳаққоний қийматни тўғрилаш билан боғлиқ бўлган ва илгари тўғридан-тўғри капиталда акс эттирилган ихтиёрий кумулятив зарар ҳисобдан чиқарилади ва фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади. Бунда куйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини бекор қилиш учун:

Дт 10895 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши»

Кт 30907 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)»

Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш учун:

Дт 56808 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кт 10899 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

Капиталдан ҳисобдан чиқариладиган ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган кумулятив зарар суммаси активнинг баланс қиймати билан жорий ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ суммага тенгдир.

Агар кўрилиши мумкин бўлган зарар суммаси илгари капиталда тан олинган ҳақиқий қийматнинг салбий (манфий) тўғрилаш суммасидан ошиб кетадиган бўлса, у ҳолда банклар кўшимча кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммасини қуйидагича акс эттиради:

Дт 56808 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кт 10899 - «Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

«Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси камдан-кам ҳоллардагина ташкил этилади. Албатта бунда молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисидаги объектив далиллар борган сайин аниқлашиб бориши, шу билан бирга, ушбу қимматли қоғознинг жорий ҳаққоний қиймати мазкур қадрсизланишни акс эттирмаган бўлиши лозим.

«Олди-сотди қимматли қоғозлари» тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этишда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 56806 - «Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кт 10799 - «Олди-сотди қимматли қоғозларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»

2.3. Банкларда қимматли қоғозлар билан боғлиқ бошқа операциялар ҳисоби

Банклар мижозлар билан тузилган воситачилик ёки топширик шартномалари асосида қимматли қоғозлар олди - сотдиси бўйича операцияларни бажариши мумкин. Қимматли қоғозларни сотиб олиш учун

мижозлар томонидан ўтказилган пул маблағлари, ҳамда воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича мижозларнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608 - “Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари” баланс ҳисобварағининг “Қимматли қоғозлар билан брокерлик операциялари бўйича мижозлар маблағлари” алоҳида ҳисобварағида юритилади.

Сотиш учун ёки мижоз топшириғига асосан сотиб олинган қимматли қоғозлар 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ва 93623 - “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари” кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида номинал қиймат бўйича ҳисобга олинади:

Дт 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ёки 93623 - “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари”;

Кт 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”.

Мижозларнинг топшириғи кўра сотиш учун олинган қимматли қоғозлар сотилмаганда, уларни мижозларга қайтарилганда, шунингдек, мижозларга уларнинг топшириғи бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларни топширишда қимматли қоғозларнинг номинал қийматига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ёки 93623 - “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари”.

Банклар томонидан воситачилик операцияларини бажаришдан олинган даромадлар 45209 - “Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган

инвестициявий воситачилик операциялари бўйича даромадлар” ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

Банклар андеррайтинг операцияларини, яъни қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгаларига сотиш бўйича (эмиссиянинг дастлабки жойлаштирилиши) операцияларини бажариши ҳамда эмитент топшириғига кўра қимматли қоғозларни сўндириш операцияларини амалга ошириши мумкин.

Қимматли қоғозлар эмитентдан жойлаштириш учун олинганда, куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ёки 93623 - “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари”;

Кт 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”.

Эмитентнинг қимматли қоғозларини жойлаштиришдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608 - “Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари” баланс ҳисобварағининг “Қимматли қоғозларнинг чиқарилишига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эмитентлар маблағлари” алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгаларига жойлаштиришда, шунингдек, жойлаштирилмаган қимматли қоғозларни эмитентга қайтаришда қимматли қоғозларнинг номинал қиймати бўйича куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ёки 93623 - “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари”.

Банк қимматли қоғозларни эмитент топшириғига асосан эмитент маблағлари ҳисобига сўндиради. Эмитентдан олинган маблағлар 22608 -

“Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари” ҳисобварағининг “Қимматли қоғозларни чиқариш бўйича эмитентларнинг маблағлари” алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади. Эмитентнинг қимматли қоғозлари сўндирилганда, сўндириш суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дт 22608 - “Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари”;

Кт 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкалари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали кирим қилинади:

Дт 90303 - “Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари”;

Кт 96305 - “Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ”; ёки

Дт 90317 - “Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари”;

Кт 96315 - “Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Эмитент топшириғига кўра сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкаларини эмитентга ўтказишда ёки бекор қилишда 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96305 - “Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90303 - “Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари”; ёки

Дт 96315 - “Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 90317 - “Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари”.

Андеррайтинг хизматларини амалга оширишдан олинган даромадлар 45294 - “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” ҳисобварағининг “Қимматли қоғозларни чиқарилишига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларидан олинган даромадлар” алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Банклар мижозлар билан тузиладиган шартномалар асосида қимматли қоғозларни сақлаши мумкин. Мижозлардан қимматли қоғозлар сақлаш учун қабул қилинганда номинал қиймати бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари”; ёки 93623 - “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари”;

Кт 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”.

Қимматли қоғозлар сақлашдан чиқарилиб мижозга қайтарилганда номинал қиймат бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”;

Кт 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ёки

93623 - “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари”.

Сақлаш операцияларини амалга оширишдан олинган даромадлар 45294 - “Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар” ҳисобварағининг “Банкнинг қимматли қоғозларни сақлаш бўйича бажарган операцияларидан олинган даромадлар” алоҳида шахсий ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

Ҳисобга олиш мақсадида, қимматли қоғозлар билан муддатли битимлар деганда битимни тузиш санасидан фарқ қилувчи ҳисоб-

китобларни амалга оширишнинг аниқ санаси кўрсатилган ҳолда шартномалар билан расмийлаштирилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари (РЕПО битимлари, қимматли қоғозларга доир фьючерслар ва ҳ.к.) тушунилади. Бунда, муддатли битим тузишда ҳисоб-китобни амалга ошириш санаси битимни тузиш санаси билан мос келмайди. Муддатли битимлар Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ битим тузиш санасидан бошлаб, ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатига қадар кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоблар бошланган куни бир вақтнинг ўзида белгиланган тартибда баланс ҳисобварақларида акс эттириш билан бирга битимларни кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олиш тўхтатилади.

РЕПО (қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув) битими деганда маълум муддатдан сўнг олдиндан келишилган баҳода сотиб олиш мажбурияти билан қимматли қоғозларни сотиш бўйича тузилган битим тушунилади. РЕПО битимлари қуйидаги тамойилларнинг бири бажарилган ҳолда молиялаштириш операциялари сифатида ҳисобга олинади:

- 1) аввал сотилган қимматли қоғозларнинг ўзи қайта сотиб олинса;
- 2) агар қайта сотиб олинаётган қимматли қоғозлар барча жиҳатларига кўра сотилган қимматли қоғозларга ўхшаса.

Қимматли қоғозлар қуйидаги шартлар бажарилса “барча жиҳатларига кўра ўхшаш” деб қаралади:

а) қимматли қоғозлар ўз зиммасига мажбуриятлар олган бир шахсга эга бўлиши лозим;

б) қимматли қоғоз эгалари бир хил таваккалчилик ва ҳуқуқлар билан таъминланишлари учун ушбу қоғозлар шакл ва кўриниши жиҳатидан бир хил бўлиши керак;

в) қимматли қоғозлар бир хил фоиз ставкасига эга бўлиши керак;


г) қимматли қоғозлар бир хил тўлаш муддатига эга бўлиши керак;

д) қимматли қоғозлар бир хил номинал қийматга эга бўлиши керак.

Акс ҳолда РЕПО битимлари қимматли қоғозлар олди-сотдиси операциялари сифатида ҳисобга олинади.

РЕПО битимлари ҳисоби молиялаштириш операциялари ҳисобининг бир қисми ҳисобланади.

РЕПО битимларининг юридик шакли олди-сотди битими бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларнинг иқтисодий моҳияти сотиб олинган (сотилган) қимматли қоғозлар билан таъминланган молиялаштиришдир.



12-расм. “Тошкент” Республика фонд биржаси савдо айланмасида РЕПО битимлари улуши²²

Расмдан кўриниб турибдики “Тошкент” Республика фонд биржаси савдо айланмасида РЕПО битимлари улуши 2013 йилда 6,1 фоизни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилга нисбатан ўсган лекин 2009 ва 2010 йилларга нисбатан камайган.

РЕПО битимлари қимматли қоғозлар гарови асосида кредитлаш операцияларидан (ломбард кредити) шу билан фарқ қиладики, қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқи қарздор (қимматли қоғозлар сотувчиси)дан кредитор

²² “Тошкент” Республика фонд биржаси ҳисобот маълумотлари

(қимматли қоғозларни сотиб олувчи)га ўтади. Ушбу операцияларда қимматли қоғозлар сотувчиси қарздор, сотиб олувчи эса пул маблағлари кредитори ролини бажаради. РЕПО келишувида кўрсатилган муддат тугагач, қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисми бажарилган тақдирда қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқи қайта кредитордан қарздорга ўтади.

РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар” баланс ҳисобварағининг тегишли ҳисобварағида ҳисобга олинади. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларни сотувчи банк томонидан битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш суммасида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг ҳисобварағи;

Кт 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар”.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича:

Дт 92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар”;

Кт 96374 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”.

92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларнинг сотилиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш муддатигача ҳисобга олинади.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра олинган пул

маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва сотувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади:

Дт 54300 - “Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар”;

Кт 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар”.

Агар РЕПО келишувнинг биринчи қисми бўйича РЕПО суммаси фоиз (купон) даромадлари миқдорида камайиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда РЕПО суммаси дастлабки сотиб олувчи томонидан олинган фоиз (купон) даромадлари миқдорида камаяди ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар”;

Кт РЕПО битимининг объекти бўлган қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар”;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида, келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”,

Кт 92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар”.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув ҳар бир томон ўз мажбуриятларини бажармаса, одатда жарима чораларини кўзда тутилади. Келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳамда қимматли қоғозлар сотиб олувчи портфелига ўтказилган тақдирда сотувчи банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар” – битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига;

Кт 10700 - “Олди-сотди қимматли қоғозлари”, 10800 - “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар”, 15900 - “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар”, 11300 - “Сотиб олинган векселлар” – қимматли қоғозни баланс қийматига.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ тегишли фойда ёки зарар ҳисобварағида акс эттирилади.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”;

Кт 92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар”.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда, қимматли қоғозларни сотиб олувчи банк келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларнинг сотиб олиш суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини бажаради:

Дт 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар”;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижозинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 92806 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар”;

Кт 96376 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”.

92806 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра берилган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва олувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли даромадлар ҳисобварағида ҳисобга олинади:

Дт 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар”;

Кт 45000 - “Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар”.

Банклар РЕПО битими бўйича контрагентнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳолда, қимматли қоғозларни қайта сотиб олиши банкда шубҳа уйғотса, фоизларни ўстирмаслик тамойилларидан фойдаланишлари лозим.

Бунда фоизли даромад банк балансидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобдан чиқарилиши керак:

Дт 45000 - “Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар”;

Кт 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар”.

Ҳисобдан чиқарилгандан сўнг келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ амортизацияси кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

Дт 95411 - “Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”;

Кт 96333 - “Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи”.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида юритиладиган ҳисоб РЕПО келишувининг иккинчи қисми бажарилганидан сўнг тўхтатилади:

Дт 96333 - “Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи”;

Кт 95411 - “Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар”.

Баланс ҳисоботи санасида келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларнинг бозор қиймати баланс қиймати (яъни 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган сумма) билан тенглаштирилади. Бозор қиймати баланс қийматидан тушиб кетса, банк харажатлари ҳисобидан эҳтимолий йўқотишлар захираси ташкил этилади. Бунда баланс қиймати ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ 56824 - “РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш” ҳисобварағининг дебетида ҳисобга олинади:

Дт 56824 - “РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”;

Кт 11899 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)”.

Бозор қиймати баланс қийматидан ошиб кетса захира нолга тенглаштирилади:

Дт 11899 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)”;

Кт 56824 - “РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”.

РЕПО битимига доир эҳтимолий йўқотишлар захираси ҳар бир РЕПО келишуви бўйича алоҳида белгиланади. Агар аввал ташкил этилган эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдори янги ҳисобланган эҳтимолий йўқотишлар захирасидан ошиб кетса, захира ошиб кетиш суммасига камайтирилади. Агар аввал ташкил этилган эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдори янги ҳисобланган эҳтимолий йўқотишлар захирасидан кам бўлса, захира ҳисобланган ҳажмгача қўшимча равишда кўпайтирилади.

Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижозинг ҳисобварағи;

Кт 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар” – битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар

қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”;

Кт 92806 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар”.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувда ҳар бир томон ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда одатда жарима чоралари кўзда тутилади.

Агар банк фоизларни ўстирмаслик тамойилларига амал қилган бўлса, келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасига тенг бўлиши лозим.

Бунда келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ва қимматли қоғозлар сотиб олувчи банк портфелига ўтказилган тақдирда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) қимматли қоғозлар бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасидан ошиб кетса:

а) эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдорини тўғрилашга доир бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади;

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 - “Олди-сотди қимматли қоғозлари” ёки 10800 - “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” ёки 11300 - “Сотиб олинган векселлар” ёки 15900 - “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар”;

Кт 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар” – битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

2) қимматли қоғознинг бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қийматидан кам бўлганда:

а) захира миқдорини ўзгартириш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади;

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 - “Олди-сотди қимматли қоғозлари” ёки 10800 - “Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” ёки 11300 - “Сотиб олинган векселлар” ёки 15900 - “Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар” – қимматли қоғозни бозор қийматига;

Дт 11899 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси” – шакллантирилган захира суммасига;

Кт 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар” – битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида куйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”;

Кт 92806 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар”.

Банк фоизларни ўстирмаслик тамойилларини қўлламаган бўлса, келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозлар қайта сотуви суммасига тенг бўлиши лозим.

Келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳолда банк фоизли даромадларни балансдан чиқариши, яъни фоизларни ўстирмаслик тамойилларини қўллаши шарт:

Дт 45000 - “Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар”;

Кт 11800 - “РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар”.

Қимматли қоғозларни сотиб олувчи банк портфелига ўтказиш учун ушбу Йўриқноманинг 63-бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

РЕПО битимларини қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари сифатида ҳисобга олиши мумкин:

а) қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотилган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиб олиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар”;

Кт 96374 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”.

92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан

бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

б) Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварақ”;

Кт 92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар”.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотиб олувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92806 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар”;

Кт 96376 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”.

92806 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига

мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”;

Кт 92806 - “Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар”.

Хулоса қилиб айтганда қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операцияларнинг асосий қисми балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

3-боб. Ўзбекистонда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни ривожлантириш ва ҳисобини такомиллаштириш

Миллий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш суръатлари ўсиб борар экан, тижорат банклари унда эмиссион фаолияти, операциялар номенклатураси ва хизмат кўрсатиш ассортиментларининг ҳажмини кенгайтириб, энг фаол институционал иштирокчиларига айланиб бормоқда.

Тижорат банкларининг Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштиришга бўлган қизиқиши бир қатор иқтисодий, молиявий ва ташкилий–техник омиллар билан боғлиқ.

Биринчи навбатда айтиб ўтиш керакки, йилдан йилга ўсиб бораётган молиявий ресурслар танқислиги ва уларни тўлдириш учун мавжуд традицион манбаларнинг қисқариши, – тижорат банкларини борган сари тез–тез сифат жиҳатидан янги бўлган, олдингилардан фарқли – улароқ молиявий технологиялар ва ресурслар базасини кенгайтириш инструментларига мурожат қилишларига мажбур қилмоқда. Ўзбекистон тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорига қизиқиши ўсиб боришига сабабчи омиллардан бири бу – уларнинг диққат марказини молия бозорининг айнан шу сегментига қарататган Ўзбекистон фонд фаолиятидаги ҳам солиқ, ҳам ҳуқуқий иқлимнинг нисбатан яхшилигидир.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаоллашувига яна бир сабабчи бўлаётган омил бу – молия бозоридаги nobank молия институтлари томонидан кўрсатилаётган қаттиқ рақобатнинг тобора кучайиб бораётгани деб биламиз.

Ва ниҳоят, мамлакатнинг молиявий фаолиятида банклар иштирокининг тобора фаоллашувига асос қилиб – банклар ёрдамида мамлакат ички бозорига хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнини фаоллаштирувчи ҳамда халқаро капитал бозорида мамлакатимиз йирик эмитентларининг рақобатбардошлигини таъминловчи

ривожланган инвестицион — молиявий инфраструктурани қимматли қоғозлар бозорида юзага келтиришини айтишимиз мумкин.

Банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг ҳолатини объектив таҳлил қилиш, унинг ривожланишида тўсқинлик қилиб турувчи муаммоларни ўрганиб чиқиш, Ўзбекистон банклари чиқарган қимматли қоғозларнинг бозорини шаклланишида устувор йўналишларни ишлаб чиқишга олиб келмоқда. Бу йўналишларга қуйидагиларни келтирамыз:

—тижорат банкларининг мамлакат қимматли қоғозлар бозоридаги ҳуқуқий ва меъёрий техник базасини такомиллаштириш;

—банк қимматли қоғозлари миллий бозорининг институционал ва функционал жиҳатдан ривожлантириш ҳамда унинг ишончлилик ва ликвидлилик даражасини ошириш;

—банк қимматли қоғозлари миллий бозорининг ахборот оидинлиги даражасини сезиларли ошириш;

—банк қимматли қоғозларининг ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг турли иштирокчиларига кўрсатиладиган банк хизматларининг ассортиментини кенгайтириш;

—банк—молия инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ишларни давом эттириш билан бирга унинг амал қилиш сифатини ошириш ва асосий иштирокчилари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг баҳоларини мукаммаллаштириш;

—банк қимматли қоғозлари миллий бозори иштирокчиларининг фаолиятини такомиллаштириш, назорат қилиш ва бошқариш механизмининг мувофиқлаштириш;

—банк қимматли қоғозлари миллий бозорини жаҳон қимматли қоғозлар бозорига секин—аста интеграциялаштириш.

Қимматли қоғозлар бозори шаклланишида тижорат банклари ролини фаоллаштиришдаги объектив ва субъектив омилларга тўхталиб ўтсак.

Тижорат банкларининг миллий қимматли қоғозлар бозорининг тикланишига эътиборини ошиб бораётгани, биринчи навбатда миллий

иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган эҳтиёжини ошиб боришидадир. Инвестицияларсиз оммавий ишлаб чиқаришни тубдан қайта қуриш, экспорт салоҳиятимизни ва аҳолининг турмуш даражасини юқорига кўтариш мумкин эмас.

Қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчиларидан тижорат банкларини фарқли томони, улар бир вақтнинг ўзида ҳам мартабали инвесторлар сифатида, ҳам ишончли эмитентлар сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда банк капиталлари ҳисобидан инвестицион компанияларнинг 40% дан 80% гача активлари молиялаштирилади қимматли қоғозлар билан бўлган операциялардан тушадиган даромадлар эса банк фойдасининг шаклланишида сезиларли рол ўйнайди.

Шунингдек, банк институтларининг қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг муаммоларига эътиборларини қаратиши, ҳам ўзи томонидан, ҳам бошқа эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар билан операцияларни мукамаллаштиришга қаратаётган ўзининг акционерлик моҳиятига боғлиқ.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида фаоллашувига яна бир сабабчи бўлган омил – бу ўз устав ва айланма фондларига қўшимча ресурсларни жалб қилишга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ва ўз қимматли қоғозларини эмиссия қилиш асосида шу эҳтиёжни қондиришидир. Ва ниҳоят, шуни ҳам ҳисобдан чиқармаслик керакки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қимматли қоғозларнинг самарали бўлган тўлов, гаров воситаси сифатида роли ошиб бормоқда.

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаоллашувининг асосий субъектив омилларига қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун–ҳужжатлари тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказишига тўсқинлик қилмайди;

—банкларнинг нисбатан муқаррар молиявий ҳолати ва банк операцияларининг юқори даромадлилиги, уларни маълум миқдорда ўз молиявий ресурсларини шу соҳага йўналтиришига имконият яратиб бермоқда;

— банкларда мавжуд бўлган техник, информацион ва кадрлар салоҳияти ҳамда миждозларнинг кўплиги, уларни қимматли қоғозлар бозорининг ҳақиқий иштирокчиларига айлантирмоқда;

—банклар ўртасидаги ва молиявий–иқтисодий институтлар ўртасидаги рақобатнинг кучайиб бориши, кўп традицион банк хизматларининг (кредит, валюта–молия, агентлик операциялари) фойдалилиги тушиб бораётгани, банкларни ўз фаолият марказини ўтказишга мажбур қилмоқда.

Кўрсатилган омиллар ҳақиқатдан ҳам тижорат банкларининг фаолият доирасини кенгайтиришга катта имкониятлар очиб беради. Амалда бу биринчи навбатда банкларнинг эмиссион фаоллигида, яъни уларнинг акция, облигация, депозит ва жамғарма сертификатлари, бошқа турдаги қимматли қоғозларни чиқаришида намоён бўлмоқда. Банк қимматли қоғозларининг асосий турларини намунавий классификацияси, уларнинг молиявий ресурсларни мобилизация қилишда самарали восита сифатида унинг таркиби ва салоҳиятини ҳар томонлама тасаввур қилишга ёрдам беради.

Тижорат банклари ўзларининг салоҳиятидан, ходимларининг нисбатан юқори малакалилигидан келиб чиқиб, турли хилдаги ҳам ўзининг, ҳам бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга оширадилар.

Банклар учун бош ўринда турган ва эътиборини кўпроқ қаратиши мумкин бўлган фаолият бу – трейдер операцияларидир, яъни қимматли қоғозларни ўз ҳисобидан ва ўз манфаатлари учун (диллерлик операциялари), ҳамда миждознинг ҳисобидан ва унинг манфаати учун (брокерлик операциялари) олди–сотди операцияларини амалга ошириш.

Банклар эмитентлар билан комисион шартнома асосида қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш бўйича хизматларни кўрсатишни ўзларининг зиммасига олиши мумкин (андеррайтинг, трансферагентлик хизматлари).

Банклар турли тоифадаги инвесторларга кенг миқёсда консултацион хизматлар ҳам кўрсатиши мумкин. Буларга мижозларни инвестицион стратегиясини шакллантириш, лойиҳавий молиялаштиришни ташкил қилишдан бошлаб, қимматли қоғозлар портфелини бошқариш ва сотиб олинган акциялардан дивидендлар олишгача бўлган фаолият киради.

Банклар қимматли қоғозлар бозорида кредиторлар ёки қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларни суғурталовчилар, депозитар ва ҳисоб–клиринг марказларини ташкил қилувчилар сифатида иштирок этишлари мумкин. Жумладан, тижорат банклари қисқа муддатли кредит олувчилардан гаровга қимматли қоғозларни қабул қилиши мумкин. Мижозларга бундан ҳам кенгроқ хизмат кўрсатиш доирасига банкларнинг векселлар билан операцияларини ҳам киритиш мумкин.

Тижорат банклари ўз акцияларини чиқариб, молия–кредит ташкилоти эмас, балки акционерлик жамияти сифатида гавдаланади. Тижорат банклари облигацияларини, депозит ва жамғарма сертификатларини эмиссия қилар экан, мамлакат пул оборотини тўлдиради, юридик ва жисмоний шахсларни бўш пул маблағларини мужассамлаштириб, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига инвестиция қилади.

Банклар диллерлар ва молиявий воситачилар сифатида инвесторларнинг қимматли қоғозларига бўлган қатъий талабини таъминлайди. Тижорат банклари корхоналар билан комисион шартнома асосида, уларнинг қимматли қоғозларини сотиш ва унга хизмат кўрсатиш мажбуриятларини ўзларига олади.

Булардан ташқари банклар қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларига депозитар хизматлар кўрсатиб, эмитентларга Депо – ҳисоб рақамларини очиш ва уларни юритишни амалга оширади, қимматли

қоғозларнинг ҳақиқий эгалари ҳуқуқларини аниқ ҳисобини олиб боради ва уларни сақлайди, қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари бўлган савдоларга хизмат қилади, акционерларнинг реестрларини юритади ҳамда дивидендлар бўйича ҳисоб–китобларни амалга оширади. Инвестицион консултант ролини бажариб эса, банклар қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларига бозорда тўғри йўналиш топиб олишлари учун малакали ёрдам кўрсатади.

Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг фаол иштироки, капитали, ликвидлилиги ва нисбатан стабиллиги жиҳатларидан уларнинг ҳозирча тенги йўқ рақобатбардош инвестор эканлигида намоён бўлади. Банклар бу – бошқа иқтисодий агентлардан кўра нисбатан кўпроқ имкониятларга эга бўлган воситачилардир. Чунки фақат уларгина пул оқимлари ва ажратилаётган кредитларнинг ишлатилиши борасида керакли ахборотга ҳамда шу йўналишдаги аналитик хизмат бўлимларига ва кўйилмаларнинг қайтарилиши бўйича етарлича ривожланган – назорат механизмларига эгадир. Банкларнинг яна бир устунлик томони шундаки, улар профессионал тарзда бозор ҳолатини ўрганиш, мавжуд рискларни таҳлил қилиб чиқиш ва инвестицион лойиҳаларни экспертиза қилиш имкониятларига эгадир. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни шундан далолат берадики, келажакда иқтисодиётда барча молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш қимматли қоғозлар бозори орқали олиб борилади, бу эса тижорат банкларининг иштирокисиз амалга ошмайди. Натижада қимматли қоғозлар билан операцияларда айнан банк сектори энг фаол иштирокчи сифатида майдонга чиқади, деб уйлаймиз.

Миллий қимматли қоғозлар бозорининг институционал ва функционал тарзда муваффақиятли ривожланиши кўп томонлардан барқарор ҳамда фонд фаолиятининг барча иштирокчилари ишончини қозонган ҳуқуқий базанинг яратилганлигига боғлиқ экан. Ушбу ҳуқуқий база, бошқалардан фарқли–улароқ ҳар қандай мулк эгалиги ҳуқуқини

химоя қилиш учун ва бу бозорнинг субъектлари ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантириш учун зарур экан.

Жаҳон тажрибаси яққол кўрсатиб турибдики, қимматли қоғозлар бозорида самарали ва эгилувчан қонунчилик ёрдамида одил қоидаларни яратиш, бозор иштирокчиларининг бу қоидаларни риоя қилишини назорат қилиш, қолаверса уларни ўз вақтида ва тўғри бошқариш – миллий қимматли қоғозлар бозорини барқарор ривожланишини таъминлаб беради.

Агарда мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорида банк фаолиятининг меъёрий–ҳуқуқий бошқарилиши даражасини бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги бу борада эришилган даражаси билан таққослайдиган бўлсак, Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозоридаги меъёрий–ҳуқуқий базанинг замонавий ҳолатини бирламчи шаклланиш босқичларида деб изоҳлаш мумкин.

Миллий қимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги замон ҳуқуқий базасини яратиш босқичларида қонунчиликни ишлаб чиқиш ва янгилашда тизимли ёндошишни, ҳамда қонун таркибини тартибга солиш ва тизимлаштириш бўйича ишлар олиб боришни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида банк операцияларининг меъёрий–ҳуқуқий базасини ривожлантиришнинг асосий принципларига қўйидагилар киради:

1. Қимматли қоғозлар бозорида ислохотлар ўтказилишининг бир қисми сифатида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини базасини ривожлантириш;

2. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари операцияларининг ривожланиш жараёнлари эволюцион характерга эга эканлигини ҳисобга олиб, ҳуқуқий базани яратиш;

3. Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва эмитентларининг ўз фаолият натижалари бўйича маъсулиятларини ошириш;

4. Қимматли қоғозлар бозорида қўпол ҳуқуқбузарликлар устидан маъмурий ва жиноий жавобгарликни қўллаш ва шу билан бирга ундаги профессионал иштирокчиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий йўллари мукамаллаштириш;

5. Инвесторларни қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари ҳақида тулиқ ва ҳаққоний ахборот билан таъминлаш ҳамда шу ахборотни етказилиши устидан тегишли органлар ва жамоа назоратини ривожлантириш;

6. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг профессионал фаолиятини амалга ошириш вақтида лицензиялаш шартлари устидан давлат назорати билан бирга нодавлат назоратини ҳам кучайтириш;

7. Қимматли қоғозлар бозорида тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилишида тенг ҳуқуқлилиқ ва рақобатнинг таъминланганлигини яратиб бериш;

8. Мамлакатимизда фонд фаолияти устидан мустақил жамоа назоратининг шарт-шароитларини яратиш учун Ўзбекистон Республикасида ҚҚБ тараққиётини шакллантириш мақсадида очилган профессионал иштирокчиларнинг мустақил, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотларининг ролини ошириш.

Шунингдек, ҳозирги вақтга келиб Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган бўлсада, миллий қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш соҳасида қонунчилик ижросидаги ишларнинг камчиликлари ва мавжуд имкониятларнинг ишлатилмаётганлиги учраб турибди.

Қилинган тадқиқотлар шуни курсатмоқдаки, қимматли қорозлар бўйича қонунчилик мамлакат тижорат банкларининг барчаси томонидан риоя қилинмаяпти. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорида инвестор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганига қарамасдан, алоҳида ҳудудлар ва соҳалар бўйича ҳали

ҳозиргача инвесторларнинг ҳуқуқлари тулиқ ҳимоя қилингани йўқ. Бу айниқса дивидендларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишида, қимматли қоғозлар эгалари ҳуқуқларини ҳисобга олишда, эмитентнинг молиявий аҳволи ҳақдаги ахборотни олишда намоён бўлмоқда. Кўпчилик инвесторлар, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганда ҳар доим ҳам ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва эмитентнинг жавобгарлиги тўғрисида объектив ахборотга эга бўлолмаяптилар.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг шартларини ижро этишни таъминлаш масалаларига, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича меъёрларни маъмурий, фуқаролик–процессуал, жиноий ва жиноий–процессуал ҳуқуқий соҳалар билан мувофиқлаштиришга алоҳида эътиборни қаратиш етилиб турибди.

Миллий қимматли қоғозлар бозорининг амал қилишидаги меъёрий–ҳуқуқий база ундаги ҳуқуқбузар қатнашчиларнинг жавобгарликларини аниқ белгилаб қўйган бўлсада, инвестор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини тўлиқ амал қилишини ҳар доим ҳам таъминлай олмаяпти. Қимматли қоғозлар бозорида ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва унга қарши чора кўришнинг аниқ классификацияланган юридик механизми яратилмаган.

Қимматли қоғозлар бозорининг демократик даражасини ошириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси молия бозорининг ушбу сегментида ҳозирги банк фаолиятининг даражасини ҳисобга олиб, қуйидаги комплекс тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб биламиз:

—қимматли қоғозлар бозорида суғурта ва кафолат фондлари мақоми билан боғлиқ меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

—қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг ўз-ўзию бошқарувчи мустақил ташкилотлари мақоми билан боғлиқ меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш.

Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялар ҳисобини такомиллаштиришда олинadиган дивидендлар ҳисобини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фоизсиз даромадлар таркибида акциялардан олинаётган дивидендлар қимматли қоғозлар билан операциялар ривожланиши билан ортиб боради. Биз биламизки, акциялар оддий ва имтиёзли турларга бўлинади. Оддий акциялар бўйича дивидендлар акционерлик жамияти молия йилида фаолият натижасига боғлиқ бўлади.

Дивидендни ҳисобга олиш амалиёти айнан шуни ҳисобга олишга мўлжалланган ва йил тугагандан сўнг акционерлар умумий йиғилиши қарор қабул қилингандан сўнг ҳисобга олинади.

Банк ихтиёрида бўлган қимматли қоғозлар бўйича эмитентлар томонидан эълон қилинган дивидендлар ҳисобга олинганда:

Дебет 19939 – «Олинadиган дивидендлар»;

Кредит 45800 – «Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар».

Бухгалтерия ўтказмаси келтирилади.

Эълон қилинган дивидендлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи;

Кредит 19939 – «Олинadиган дивидендлар».

Хозирги кунда худди шундай имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ҳам худди шундай тўланиб келинмоқда.

Ушбу ҳолат имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашга тўғри келмайди. Сабаби имтиёзли акция бўйича дивиденд акционерлик жамияти фаолиятига боғлиқ бўлмайди ва молия йили бошланиши билан унда дивиденд тўлаш мажбурияти юзага келади ҳамда акционерлик жамияти уни ўзида ҳисобга олиш лозим. Худди шундай тижорат банки ҳам уни

даромад сифатида тан олиши лозим бўлади. Тижорат банклари эса имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни фақат умумий йиғилиш бўлиб ўтгандан сўнг ҳисобга олинади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тижорат банклари ҳисоблаш тамойилини қўллаган ҳолда имтиёзли акция бўйича дивидендни ҳар куни тан олиб бориши керак ва қуйидаги бухгалтерия проводкаси ҳисобга олиш лозим:

Дебет 19939 – «Олинадиган дивидендлар»;

Кредит 45800 – «Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар».

Эълон қилинган дивидендлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи;

Кредит 19939 – «Олинадиган дивидендлар».

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар худди шундай тартибда ҳисобга олиниши ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилига мос равишда амалга оширилади.

МҲХСларига мувофиқ, қачонки молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи дастлабки тан олингандан кейин рўй берган бир ва ундан ортиқ ҳодисалар натижасида уларнинг қардсизланиши тўғрисида гувоҳлик берувчи маълумотлар мавжуд бўлса ва бу ўз навбатида ушбу молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи бўйича кўзда тутилган келгуси пул оқимларига салбий таъсир кўрсатиб, зарар кўришга олиб келса ва у ишончли тарзда баҳоланган бўлса, мазкур молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи қардсизланган ҳисобланади ва бу ҳолат зарарларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Балки қардсизланишга олиб келувчи алоҳида, ягона ҳодисаларни аниқлаш имкони йўқ бўлиши мумкин. Қардсизланиш асосан умумий таъсир этувчи рўй берган бир қанча ҳодисалар туфайли вужудга келиш эҳтимоли катта бўлади. Келгуси ҳодисалар натижасида кўрилиши кутилаётган зарарлар тан олинмайди.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарга олиб келадиган ҳодисаларга банк томонидан кузатилган ва мавжуд маълумотлар асосида молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланганлигини тасдиқловчи қуйидаги объектив далиллар хизмат қилади:

1) эмитент ёки мажбурият олган шахс томонидан кўрилган муҳим (существенные) молиявий қийинчиликлар;

2) шартноманинг бузилиши, мисол учун, асосий қарз ёки фоизлар бўйича тўловларнинг бажарилмаслиги ёки кечиктирилиши;

3) кредитор, иқтисодий ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган сабаблар таъсирида, ўз фаолиятида молиявий қийинчиликларни ўтказаетган қарздорнинг қарздан воз кечган ҳолда ён бериши мумкин, бошқа ҳар қандай ҳолатда бу кўзда тутилмаган бўлса.

4) қарздорни банкротлик ёки бошқа молиявий қайта ташкил этиш эҳтимоллари пайдо бўлганда;

5) молиявий қийинчиликлар сабабли мазкур молиявий актив бўйича фаол бозорнинг ёпилиши;

6) кузатилаётган далиллар молиявий активни дастлабки тан олиш вақтидан бошлаб молиявий активлар гуруҳи бўйича кўзда тутилган келгуси пул оқимларини қисқартириб ўлчашни кўрсатади, мазкур қисқартириш ушбу гуруҳдаги алоҳида молиявий активлар бўйича аниқ тушунтириш бера олмасда, шу билан бирга:

а) ушбу гуруҳ бўйича қарздорларнинг тўлов қобилиятининг ёмонлашуви (масалан, кечиктирилган тўловлар миқдорининг ёки лимити тугаган кредит карточкалар бўйича қарздорлар сонининг ўсиши ва ойлик минимал суммалар тўлаб борилиши);

б) ушбу гуруҳдаги активлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслигига боғлиқ бўлган миллий ёки маҳаллий миқёсдаги иқтисодий шарт-шароитлар (масалан, қарздор жойлашган географик муҳитдаги ишсизлар сонининг ошиши, тегишли регионда гаровга олинган мулк нархининг тушиб кетиши, нефт қазиб чиқарувчи компанияларга

берилган ссудалар (шунга ўхшаш активлар) бўйича нефт нархининг тушиб кетиши, ёки тармоқдаги кўнгилсиз ўзгаришлар натижасида ушбу гуруҳ бўйича қарздорларнинг қийин аҳволга тушиб қолиши).

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий воситаларини бошқа бемалол очиқчасига сотилишига таъсир қилувчи фаол бозорнинг ёпилиши мазкур молиявий воситаларнинг қадрсизланишидан гувоҳлик берувчи далил бўла олмайди. Хўжалик юритувчи субъект кредит қобиляти рейтингининг пасайиши, ўз-ўзидан қадрсизланиш тўғрисида маълумот берувчи далил бўлиб хизмат қила олмайди, ҳатто қадрсизланиш маълумоти сифатида у бошқа мавжуд маълумотлар билан бирга кўриб чиқилганда ҳам. Агар молиявий активнинг ҳақиқий қиймати унинг ҳақиқатдаги қийматидан ёки амортизация қийматидан кичик бўлиши, унинг қадрсизланиши тўғрисида ҳеч қандай далил бўла олмайди (мисол учун, ишончли (хавф-хатарсиз) фоиз ставкаларининг ўсиши натижасида қарз инструмент (восита) ларига қилинган инвестицияларнинг ҳаққоний қийматининг пасайиши).

Юқорида баён этилганлардан ташқари, улушли воситалар қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар сифатида, эмитент ўз фаолиятини технологик, бозор, иқтисодий ёки ҳуқуқий шарт-шароитларда амалга оширганда кўнгилсиз (неблагоприятный) таъсир этувчи муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам хизмат қилиши мумкин ва бу қарз инструментларига қилинган инвестициялар қайтарилмаслиги (не будут возмещены) мумкинлигини кўрсатади. Улушли воситаларга қилинган инвестицияларнинг ҳақиқий қийматининг сезиларли ва давомли даражада пасайиши, яъни ҳақиқатдаги қийматидан кичик бўлиши ҳам қадрсизланиш тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда, молиявий актив бўйича қадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун талаб этиладиган, кузатиладиган

маълумотлар чегараланган ёки жорий мажбуриятларга тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Масалан, бу қуйидаги ҳолда рўй бериши мумкин, яъни қарздор (заемщик) қийин молиявий ҳолатга тушиб қолганда ва ўхшаш қарздорлар (аналогичных заемщиков) тўғрисида жуда кам статистик маълумотларга эга бўлганда. Бундай ҳолларда, банк кадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Албатта, банк молиявий активлар группаси бўйича кузатилаётган маълумотларни жорий шарт-шароитларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Онгли равишда кутилаётган баҳолашлардан фойдаланиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнининг узвий жараёни ҳисобланади ва бунда асло унинг ишончини йўқотмайди.

Хулоса

Диссертация тадқиқотлари жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Қимматли қоғозлар бозорида биржа фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар (фонд биржалари, товар-хом ашё, валюта ва бошқа биржаларнинг фонд бўлимлари) ҳамда инвестиция муассасалари махсус инфратузилмани ўзида намоён қилади.

2. “Тошкент” Республика фонд биржаси мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорининг асосий савдо майдони ҳисобланади. Биржа савдо ҳажмларининг сўнгги беш йилликдаги натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2011 йилда биржа савдо айланмаси ўз фаолияти давридаги энг юқори кўрсаткичга эришди. 2010 йилда эса бу миқдор энг паст кўрсаткични, яъни 64,4 млрд. сўмни ташкил қилган эди. 2011 йил биржа фаолиятида сезиларли жонланиш кузатилиб, биржа савдо айланмасининг умумий ҳажми 213,1 млрд. сўмни ташкил қилди. 2013 йил мобайнида 110 та акциядорлик жамиятининг 122,0 млн. дона акциялари билан 57,2 млрд. сўмлик ва 5 та эмитентнинг 35,7 минг дона корпоратив облигациялари билан 36,0 млрд. сўмлик жами 93,2 млрд. сўмлик 941 та биржа битимлари амалга оширилган.

3. 2013 йилда бирламчи бозорнинг пасайишига сабаб тижорат банкларининг фонд биржасида фаол қатмашганликларини ёки қўшимча чиқарилган акцияларининг асосан ёпиқ тартибда жойлаштирилганини (90%) кўриш мумкин.

4. 2013 йилда қимматли қоғозлари билан энг йирик битимларни амалга оширган эмитентлар таркибида асосан тижорат банклари турибди. Уларнинг ичида ОАТ "Асакабанк" ва ОАТБ "Ўзбекистон саноат-қурилиш банки" фонд биржасида амалга оширган операциялар ҳажми мос равишда 30,2 млрд. сўмни ва 13,6 млрд. сўмни ташкил қилган.

5. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари кўп мақсадларни кўзлаган ҳолда юритилади. Шу боис банкларнинг қимматли

қоғозлар бозоридаги фаолиятдан асосий мақсадлари сифатида:

- қимматли қоғозлар чиқариш асосида кредит ва ҳисоб-китоб фаолияти юритиш учун қўшимча пул ресурсларини жалб қилиш;
- қимматли қоғозларга сарфланган ва ўз инвестицияларидан банкка тўланадиган фоиз ва дивидентлар эвазига ва қимматли қоғозларнинг курс қиймати ошиши туфайли фойда олиш;
- миждозларга қимматли қоғозлар операцияларига доир хизматлар кўрсатишдан фойда олиш;
- эркин рақобат асосида банкнинг хизмат соҳасини кенгайтириш ҳамда корхона ва ташкилотларнинг капиталларида қатнашиш эвазига янги миждозларни жалб қилиш;
- банкнинг қимматли қоғозлари орқали ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш;
- банкнинг ликвидли маблағларига қуйилмаларнинг даромадлилигини таъминлаган ҳолда ликвидлик зарурий захирасини сақлаб бориш;
- миждозларнинг қимматли қоғозларни меъёрида олиб-сотишдан ҳамда молиявий рискларни қимматли қоғозлар ҳосилалари билан амалга ошириладиган операциялар орқали суғурта қилиш кабиларни келтириш мумкин.

6. Акциялар ҳужжатсиз шаклда депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар электрон тарзида чиқарилади. Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда чиқарилган акциялар Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботига асосан банкда бухгалтерия ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

7. ОАТБ “Агробанк”нинг 2009-2013 йиллар давомида активлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2013 йилда 2577689 млн. сўмни ташкил қилиб, 2009 йилга нисбатан 1001252 млн. сўмга кўпдир. Банк активлари таркибида берилган кредит ва лизинг энг юқори улушга эга бўлиб, 2013 йилда 65,7 фоизни ташкил қилган. Банкнинг қимматли қоғозлари билан

амалга оширган актив операциялари бор йўғи 0,6 фоизни ташкил этган. Бу албатта банкнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш лозимлигини кўрсатади.

8. Молиявий активлар сифатида нақд пул маблағлари, шартномадан келиб чиқиб, бошқа хўжалик субъектларидан пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ва алмаштириш ҳуқуқи ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг улушли воситалари тушунилади. Улар уч тоифага бўлинади: 1) олди-сотди қимматли қоғозлари; 2) сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар; 3) сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

Тадқиқот жараёнида тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва унинг ҳисобини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларининг ресурс базаси барқарорлигини ва капиталлашуви даражасини ошириш учун, банklar томонидан ипотека облигациялари, депозит, жамғарма сертификатлар ва бошқа қимматли қоғозлар сингари, банklarнинг узоқ муддатли мажбуриятларининг замонавий бозор воситалари жорий этиш

2. Банк синдикатлари томонидан андеррайтинг компанияларини тузиш орқали, нафақат қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш, балки эмитент акциялар назорат пакетини сотиб олиш орқали, бевосита уни бошқаришда иштирок этиш.

3. Тижорат банклари томонидан бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида, аҳоли учун мўжаланган юқори даромадли жамғарма сертификатларини чиқариш.

4. Инвестиция институтлари томонидан қимматли қоғозлардан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида қимматли қоғозларга инвестиция қилган инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилувчи фондларни ташкил этиш.

5. Банк қимматли қоғозларининг иккиламчи бозоридаги фаоллигини, жумладан акциялар бўйича олди-сотди битимларинигина ҳажмини ошириш мақсадида, савдолар тизимини ҳамда савдоларни иккиёқлама аукцион усулида олиб бориш, бир вақтнинг ўзида пул маблағлари ва қимматли қоғозларни бир миждан иккинчисига ўтказиш имконини берадиган электрон дастурини яратиш.

6. Тижорат банкларида халқаро талабларга жавоб берувчи фонд операциялари бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида, замонавий компютер техникаси, банк иши ва

қимматли қоғозлар бўйича мамлакатимиз таълим муассасаларининг моддий техник базасини ва кутубхона фондини мустаҳкамлаш тадбирларини кўриш.

7. Қимматли қоғозлар бозорида ислохотлар ўтказилишининг бир қисми сифатида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини базасини ривожлантириш.

8. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари операцияларининг ривожланиш жараёнлари эволюцион характерга эга эканлигини ҳисобга олиб, ҳуқуқий базани янгилаб бориш.

9. Тижорат банклари ҳисоблаш тамойилини қўллаган ҳолда имтиёзли акция бўйича дивидендни ҳар куни тан олиб бориши керак ва қуйидаги бухгалтерия проводкаси ҳисобга олиш лозим:

Дебет 19939 – «Олинадиган дивидендлар»;

Кредит 45800 – «Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар».

Эълон қилинган дивидендлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи;

Кредит 19939 – «Олинадиган дивидендлар».

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар худди шундай тартибда ҳисобга олиниши ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилига мос равишда амалга оширилади.

10. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан операциялар ҳисобини МҲХС талабларига мувофиқ ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2001 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни.- Т.: 2000 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1996й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида»ги қонуни.-Т.: 1996 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ғаров тўғрисида”ги Қонуни 2009 йил 22 сентябр.
6. «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1993 йил 2 сентябр.
7. «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1996 йил 25 апрел.
8. «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийларнинг фаолияти тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1998 йил 29 август.
9. «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1992 йил 2 июл.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1995й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56 сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни

рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166–сонли Қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1317–сонли Қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика банк тизimini янада ислох қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1438-сонли Қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4609-сонли Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

16. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Халқ сўзи газетаси 2014 йил

17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: - “Ўзбекистон”, 2013. -64 б.

18. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

19. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 48 б.

20. Каримов И.А. «Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» –Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 5-32б.

22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иктисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баратараф этишнинг йуллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон- 2009.

23. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тугрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.

IV. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги 1306-сонли низом. 2004 йил 30 январь

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида” 1528-сонли низом 2005 йил 30 ноябр

26. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банкларнинг активлари бўлган кредитлар Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида” 632-сонли Низом. 1999 йил 11 феврал.

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Фоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида” 1304-сонли Низом. 2004 йил 24 январ.

28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008

йил 11 июл.

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги 557-сонли Низом 02.12.1998 йил

30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Банклар ва уларга дахлдор шахслар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисида”ги 556-сонли Низом 02.12.1998 йил

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2229-сонли Низом 25.05.2011 йил

32. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

33. “Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултантлари сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисида”ги 1782-низом 2008 йил 2 апрел

34. “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 1885-йўриқнома 2008 йил 13 декабр

35. “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари” 2009 йил 30 август. № 2000]

36. Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги Низом.-Т.: 2003, 4 –бет

V. Асосий адабиётлар

37. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

38. Бабаев Ю.А. Теория бухгалтерского учета: Учебник. для вузов. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 126 с.
39. Банк В.Р., Семенов С.К. “Организация и бухгалтерский учет банковских операций” Москва. 2004 г. 326с.
40. Банковское дело: Учебник / под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.
41. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.
42. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Молия. – 2010, 272б.
43. Козлова Е.П., Николаевна Е.Н. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика. 2003. -152 с
44. Курсова В.Н. Яковлев Г.А. Бухгалтерский учет в коммерческом банке Москва, 2010 г.167 с.
45. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими –Т.: Ўзбекистон, 2001.–224 б.
46. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. - Т.: Молия – Иқтисод 2010г.
47. Наврузова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т., MOLIYA – IQTISOD 2010 й.
48. Наврузова К.Н., Каримов Н.Ғ., Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Давр нашриёти, 2012.
49. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра–М, 2004. – 472 с.

VI. Қўшимча адабиётлар

50. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2009 й. – 548 бет.
51. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2003.–305 б.

52. Абдуллаева Ш.З. Пул кредит ва банклар. –Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2007й.

53. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, – М.: Высшее образование, 2009. – 422 с.

54. Деньги, кредит, банки. Учебник. Под ред. проф. Лаврушина О.И. – М.: КНОРУС, 2009. – С. 452.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

55. “Ahbor Reyting” рейтинг компаниясининг №30, №34 таҳлилий шарҳи

56. «Бозор, пул ва кредит» журнали

57. Банк ахборотномаси газетаси

58. ОАТБ “Агробанк” ҳисобот маълумотлари

VII. Интернет сайтлари

59. www.cbu.uz

60. www.lex.uz

61. www.stat.uz